

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ
КАФЕДРАСИ**

КУРС ИШ

**Мавзу: «Касб педагогика фанни
ўқитишда мустақил таълимни ўрни»**

Бажарувчи: 34-13 гурух талабаси Атабаев Нодир

Илмий раҳбари: доц Мухлибоев М

Гулистон - 2016

Мундарижа

Кириш

1-Боб

1 Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг мустақил ишларини илмий ташкил қилиш _____

2 Мустақил таълим олиш турлари _____

3 Маъруза тинглаш ва қайд қилиш _____

4 Амалий ишларни бажариш _____

5 Машқлар бажариш _____

6 Ўқув адабиётлари билан ишлаш _____

7 Назорат ишларига тайёрланиш _____

2-БОБ

1 Мустақил ишлар асосида талабалар билимини текшириш _____

2. Чизмалар ва схемаларни ўқиш ,тузишни ўрганиш _____

3. Техник моделлаштириш ва лойихалаш _____

4. Маъруза тайёрлаш _____

5. Техник ижодкорлик _____

6. Мустақил таълим олишда масофавий таълим тизимидан фойдаланиш _____

7. Дарс таҳлили _____

8. Талабалар мустақил иш бажарилари учун тавсиялар _____

Хулоса _____

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____

Кириш

Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса, таълим соҳасида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ларининг қабул қилиниши муҳим ўрин тутади.

Мазкур хужжатларда узлуксиз таълим тизимининг узвийлигини такомиллаштириш, юқори малакали, юксак касбий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 13 майдаги 406-сонли қарорига биноан 2005 йилгача Республика мизда 181 та академик лицейлар ва 1611 та касб-хунар коллежлари ташкил этилиши керак. Бу янги турдаги таълим муасассаларининг педагог ва мухандис-педагогларга бўлган эҳтиёжи 121 минг кишини ташкил этади. Шундан 110 минг педагог ва мухандис-педагог касб-хунар коллежларига жалб этилиши кўзда тутилган. Бу миқдордаги педагог ва мухандис-педагоглар касб-хунар коллежларининг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлилини қиласидан бўлсақ, қўйидагича таркибга эга бўлиши келиб чиқади: 38% мухандис-педагоглар (ишлаб чиқариш таълими усталари), 34% умумкасбий ва касбий таълим ўқитувчилари ва 28% умумтаълим туркумига кирувчи ўқитувчилар ҳисобланади.

Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 4 октябрида қабул қилинган «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муасассалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № 400-сонли қарори қабул қилиниши мазкур муаммонинг долзарблилигини билдиради.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ҳозирда Тошкент Давлат Педагогика Университети, Бухоро озиқ-овқат ва технология институти, Наманган мухандислик-педагогика институти, шунингдек Республика мизнинг бошқа университетлари ҳамда педагогика институтлари, жами 89 та мухандис-педагог мутахасиссликлари йўналишида бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Мутахасис кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини ташкил қилиш муҳим ўрин тутади. Талабаларнинг хафталик максимал ўқув юклamasи 54 соат бўлиб, шундан 36 соати аудитория, 18 соати мустақил таълимга ажратилади. Таълим дастурини ўзгариши жараёнида фанларнинг бир қатор масалалари ва муаммолари мустақил таълим орқали ўрганилиши лозим. Мустақил таълим талабалар томонидан у ёки бу фан бўйича дастур материалларидан бир қисмини мустақил ўзлаштирилишидир

Низомий номидаги ТДПУ талабаларини мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинган бўлиб унинг мазмуни қўйидагича баён қилинган.

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарорига мувофиқ кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатдан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

1.3. Университетда талаба ҳафталик мустақил ишларининг умумий ҳажми бакалавриатнинг кундузги бўлимида 22 соатни ташкил этади.

1.4. Ўқув семестр якунида талабанинг мустақил иши бўйича аудиториядаги ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда гурух рейтинг қайдномасида талабанинг рейтинг дафтарчасида ва ўқиш якунида битиравчига тақдим этиладиган диплом иловасида қайд этилади.

2. Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари

2.1. Талаба мустақил ишининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равища бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришdir.

2.2. Талаба мустақил ишининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- керакли маълумотларни излаб топиш, қулай усуслари ва воситаларини аниқлаш;

- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;

- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;

- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;

- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш, берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;

- маълумотлар базасини таҳлил этиш;

- иш натижаларини экспртизага тайёрлаш ва экспрт хулосаси асосида қайта ишлаш, топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;

- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

3. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари.

3.1. Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фан (курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (рсферат) тайёрлаш;

- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
 - лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
 - ҳисоб-график ишларини бажариш;
 - малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
 - назарий билимларни амалиётда қўллаш;
 - амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-стади);
 - макет, модель, бадиий асар, мусиқа ва намуналар яратиш;
 - илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

3.2. Ўқув фанлари бўйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади.

3.3. Талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равиша ҳар бир фан бўйича тегишли кафедраларда мустақил ишининг ташкилий шакллари, топшириқлар вариантлари ишлаб чиқилади ва факультет илмий - услубий кенгашида тасдиқланади.

3.4. Мустақил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга зарурий методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Талаба мустақил ишининг ахборот таъминоти

4.1. Талаба учун муайян фан бўйича мустақил иш топшириқлари тегишли кафедра профессори (ёки етакчи доценти) томонидан ўқув машғулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи билан биргаликда тузилади, ҳамда кафедра мудири томонидан тасдиқланади. Талабага берилган топшириқда мустақил ишни бажариш бўйича дастлабки кўрсатма ва тавсиялар қайд этилади.

4.2. Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар,

интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қиласида.

4.3. Кафедра мудири ва тегишли факультет декани тақдимномаси асосида олий таълим муассасаси раҳбарияти талабаларга мустақил ишларни бажариш учун зарурий ахборот манбаа ва воситаларини белгилайди. Талабаларга турли кутубхоналар, музейлар, тармоқ муассасалари ва корхоналаридан мустақил иш учун зарурий маълумотлар тўплаш юзасидан сўровнома хатларини расмийлаштириб беради.

4.4. Университет раҳбарияти томонидан талабаларга мустақил ишларни ўз вақтида бажариш учун компьютер техникиси ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

5. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш

5.1. Ҳар бир фан бўйича талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш юкламаси (ишчи ўқув режасининг 10 - устунида келтирилган) профессор-ўқитувчилар шахсий иш режасининг ташкилий-услубий бўлимида (1540 соатдан доирасида) қайд этилади.

Талаба курс иши (лойиҳаси)ни ҳамда малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга ажратилган соатлар, профессор-ўқитувчилар шахсий иш режасининг ўкув ишлари бўлимида қайд этилади.

5.2. Талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедрада тузиладиган ва факультет декани томонидан тасдиқланадиган консультациялар жадвали асосида амалга оширилади.

5.3. Талабанинг мустақил иши бўйича консультация соатлари гурух журналида қайд этиб борилади.

5.4. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ўкув машғулотларини бевосита олиб борувчи ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

5.5. Талабанинг мустақил иши, муайян фан ишчи дастурида ажратилган соатларга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси фан бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади. Талабанинг рейтинг қўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича, анъанавий гурух рейтинг ойнасида ва факультетнинг маҳсус электрон тармоғида ёритиб берилади.

5.6. Талаба мустақил ишини назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш меъзонлари тегишли кафедра томонидан белгиланади ва факультет Илмий кенгашида тасдиқланади. Мустақил ишиларни баҳолаш мезонлари талabalарга ўкув йили (семестри) бошланиши олдидан методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

5.7. Мустақил иш бўйича белгиланган максимал рейтинг балининг 55% дан кам балл тўплаган талаба фан бўйича якуний назоратга қўйилмайди

5.8. Фанлар кесимида талabalарнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши муентазам равишда талabalар гурухларида, кафедра йигилишлари ва факультет Илмий кенгашларида муҳокама этиб борилади.

5.9. Талабанинг мустақил иши кафедрада рўйхатга олинади ва ўкув йили мобайнида сақланади.

Талабанинг курс иши (лойиҳаси)ни ҳамда малакавий битирув иши ёки магистрлик диссертациясини рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби тегишли меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилади.

5.10. Университетда юқори даражада баҳолангандиган талabalарнинг мустақил ишлари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Ушбу низом асосида филология фанлари доктори профессор Б.Тўхлиев, ўкув бўлими бошлиғи мовини Г.Алихожаевалар томонидан талabalарнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Талabalар мустақил ишларини ташкил этиш бўйича тавсиялар

1. Умумий қоидалар

Таълим жараёнида талabalар мустақил ишларининг ўрни ва аҳамияти.

Олий таълимнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бири мутахассисни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил равишда билимини кўпайишига, инновацион фаолиятга қобил бўлган ижодий шахсиятини шакллантиришдан иборатdir. Бундай вазифани амалга ошириш учун тайёр билимларни ўқитувчи томонидан талабага беришнинг ўзигина камлик киласи. Бундай йўл талабанинг билимларни ўзлаштиришнинг пассив истеъмолчисига айлантириб қўйган бўлар эди. Ваҳоланки, бугун бизга

билимларни ўзлаштиришдаги пассив истеъмолчи эмас, балки унинг фаол ижодкорига айлантириш зарурати бор. Натижа шундай бўлиши керакки, бўлғуси мутахассис ҳар қандай назарий ва амалий муаммони ифодалай оладиган, уни ечишнинг йўлларини илмий ёки методик жиҳатдан таҳлил қилишни уddyалайдиган энг муносиб ва мувофиқ натижаларни топиб, унинг тўғрилигини исботлаб бера оладиган бўлсин.

Таълим тизимидағи ўзгаришлар айниқса таълим мазмуни билан боғлиқ, янгиланишлар талабалар ўқишини ташкил этишнинг янги шакли ва усуллари ҳақида ҳам бош қотириш талаб этилади. Шу маънода талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш муҳим шаклгина эмас, балки таълим жараёнининг асосини ташкил этувчи муҳим қисм бўлишини тақазо этади.

Буларнинг барчаси таълим бериш (олишнинг) замонавий методларини эгаллашни, талабаларнинг ижодий қобилияtlарини ўстиришни ҳар бир талабанинг имконият ва салоҳиятини эътиборга олган ҳолда паток ва гурух ўқишлидан индивидуал ўқишига ўтишни кўзда тутади.

Бу ерда асосий гап талабаларнинг мустақил ишларига ажратилган соатлар ҳақида кетаётгани йўқ. Талаба мустақил ишларини ролининг ортиши олий таълимдаги ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш тубдан қайта кўриб чиқиши тақазо этади. Бу жараённи шундай ташкил этиш лозимки, унинг натижасида талабанинг мустақил билим олишда, бу билимларининг ҳаётга тадбиқ этишига оид қобилияти, кўникма ва малакалари шакиллансин.,

Асосий тушунча ва таърифлар

Талабанинг мустақил иши деганда нималар тушунилади?

Таъбир жоиз бўлса, бўлажак мутахассиснинг фикрлаш тарзини тарбиялашга қаратилган барча харакат - фаолият уларнинг асосини ташкил этади. Талаба мустақил фикри туғилишига, унинг билиш фаоллигини оширишга имкон берадиган ҳар қандай машғулот тури мустақил ишлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Аслида талабанинг мустақил иши деган тушунча унинг аудитория ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлиги остида ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмуини англаатади. Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда - маъруза амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида;

2. Ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мулокот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулокотлар жараёнида, қарздорликни йўқотишда якка топшириқ бажаришда ва бошқалар.

3. Кутубхонада, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топширикларни бажариш жараёнида. Бу иш турлари орасидаги чегаралар жуда қаътий бўлмасдан бир-бирига осонликча ўтиб туриши мумкин. Бир нарсани таъкидлаш жоизки, талабаларнинг мустақил ишлари аудиторияда ҳам, ундан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Аудиториядан ташқаридаги мустақил ишлар асосий ўрин тутади

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудиторияда (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Демак мустақил иш ва аудитория машғулотлари бир-бирини тўлдиради, талабаларнинг ишга ёндашувини таъминлайди.

3. Талабаларни мустақил ишлашга қизиқтириш омиллари.

Талабаларнинг фаол мустақил ишлари факат жиддий ва барқарор қизиқишлар мавжуд бўлгандагина амалга ошиши мумкин. Бундаги энг жиддий омил - келгуси самарали касбий фаолиятга тайёргарликдир. Талабаларни мустақил ишларини фаоллаштиришга имкон берувчи ички омилларни кўриб чиқайлик:

1. Қилинаётган ишнинг фойдалилиги. Агар талаба ўз иш натижаларининг маъруза жараёнида, методик қўлланмада, лаборатория ишида ёки амалий машғулотларда, мақолалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлигини билса, унинг бажараётган ишига бўлган муносабати кескин тарзда яхши томонга ўзгаради, ҳамда иш сифати ҳам ортади. Шунга кўра, талабани руҳан шу ишга тайёрлаш, бажариладиган ишнинг зарурати кўрсатиб берилиши керак.

2. Талабанинг ижодий фаолиятдаги иштироки. Бу ниҳоятда хилма-хил кўринишларда бўлиши мумкин. Хусусан, кафедралар томонидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари, бадиий ижод, методик ишлар ва ҳоказолар.

3. Фан олимпиадаларида, илмий-тадқиқот ишларida, амалий ишлар танловларида иштирок этиш в.б.

4. Билимларни назорат қилишда қизиқтирувчи омиллардан фойдаланиш (рейтинг, тестлар, ноанъанавий имтиҳон шакллари в.б.) Бу омиллар тегишли ҳолатларда мусобақа руҳини вужудга келтиради. Мана шу ҳолатнинг ўзи талабада ўз устида ишлашни, ўзини ривожлантиришга ички эҳтиёжини шакллантиради ва ривожлантиради.

4. Мустақил ишларни ташкил этишни мазмuni ва шакллари 1-2 курслар 7344 соатни 2992 соати мустақил ишига мўлжалланган ўқув режасида мустақил ишларни ташкил этиш учун етарлича вақт ажратилган. Асосий гап ана шу вақтдан самарали ва унумли фойдаланишда холос. Талабаларнинг мустақил ишлари асосида ўқув жараёнини ташкил этишнинг иккита асосий йўналиши мавжуд.

Биринчиси, аудитория машғулотларида мустақил ишларнинг ролини ошириш. Буни амлга ошириш учун профессор-ўқитувчилардан аудитория машғулотларини ташкил этишнинг талабаларнинг юқори даражадаги мустақилликларини ва тайёргарликнинг сифатини таъминлайдиган методика ва шаклларини ишлаб чиқиши тақазо этади.

Иккинчиси - талабаларнинг аудиториядан ташқари вақтларда барча йўналишлар бўйича мустақил ишлардаги фаолликларини ошириш.

Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишлардаги фаолликларини ошириш бир қатор қийинчиликлар билан боғлик;. Бунинг биринчиси сифатида

мустақил ишларни бажаришга кўпгина талабаларнинггина эмас, ҳатто айрим профессор-ўқитувчиларнинг ҳам тайёр эмасликларини кўрсатиш мумкин.

Бу кўпинча касбий ёки психологик йўналишда намоён бўлади. Бунинг ёнига ёмон информацион таъминотни ҳам қўшиш мумкин. Кўп ҳолларда информацион таъминот талаб даражасида бўлмайди, бунинг натижасида самарадорликнинг пасайиб кетиши қузатилади.

Талабалар мустақил ишлари (ТМИ)ни ташкил этишдаги асосий вазифа ҳар қандай шаклдаги машғулотларда интеллектуал ташабbus ва тафаккурни ривожлантириш учун психологик-дидактик шаротларни яратишдан иборатdir. ТМИ ни ташкил этишдаги бош тамойил талабаларнинг индивидуал ишларни таъминлаш бўлиши керак. Бунда айрим топшириқларни формал ва пассив бажаришдан уни онгли ва фаол бажариш сари йўллаш асосий ўрин тутиши керак. ТМИнинг мақсади аввал ўқув мазмуни билан, кейин эса илмий ахборотлар билан англаб ҳамда мустақил ишларни ўргатиш, ўз-ўзини йўналтириш ва ривожлантириш асосларини, кейинчалик ўз малакасини мунтазам ошириб бориш кўникмасини ҳосил қилишдир.

Бунда ҳал қилувчи ролни ўқитувчи адо этади. У умуман талаба билан эмас, балки конкрет шахс билан ишлаётганини ҳар доим дикқат марказида бўлиши лозим. Унинг ўз талабасининг кучли ва ожиз томонларини яхши билиши, индивидуал қобилияти ва қизиқишлини назарда тутиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчининг вазифаси талабанинг – бўлажак юқори малакали мутахассиснинг яхши томонларини кўриш ва қўпайтиришдан иборат.

Ҳар қандай фанни ўрганишда ТМИни ташкил этишнинг ўзаро алоқадор уч шакли кўзга ташланади:

1. Аудиториядан ташқари мустақил ишлар.

2. Аудиторидаги мустақил ишлар. Бу бевосита ўқитувчи рафбарлигига ташкил этилади.

3. Ижодий. Жумладан, илмий-тадқиқот ишлари. ТМИ ниҳоятда хилмачил бўлиши мумкин. Улар:

- Ўрганилаётган фаннинг алоҳида бобларига оид берилган мавзу бўйича реферат, маъруза ва ёзма ишлар. Талабага мавзу, ҳатто раҳбарни ҳам танлаш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўлади;

- Танланган фан бўйича иллюстратив материалларни тайёрлаш, бунда мавзу ўқитувчи томонидан берилади, унинг мазмуни ва шакли, ижроси талаба томонидан белгиланади;

- Хажми, мураккаблиги, мазмуни талабанинг ўзи томонидан шаллантириладиган мазмуни талабанинг ўзи томонидан шаллантириладиган илмий кроссвордлар тузиш;

- Замонавий олимнинг илмий монографиясига, ёзувчининг асарига асосий ғоя ва қоидаларни ажратган холда ўз шахсий асосланган баҳоси ҳамда фойдаланишга тавсияси кўрсатилган такриз ёзиш;

- Хилма-хил характердаги уй вазифаларни бажариш. Бунга машқ ва маслаларни ечиш, матнни таржима қилиш ёки қайта ҳикоялаш, адабий ёки

илмий манбаларни танлаш ва ўрганиш, турли жадвалларни тузиш, график ишларни бажариш, турли ҳисоб-китобларни амалга ошириш в.б киради;

- Талабадаги ташаббускорлик ва мустақилликни ривожлантиришга қаратилган индивидуал топшириқларни бажариш. Алоҳида топшириқларни ҳар битта талаба ёки талабаларнинг бир қисми олиши мумкин;

- Курс ишлари. Битирув малакавий ишларини бажариш;

- Илмий-назарий ёки илмий - амалий анжуманлар, кўрик-танловлар, олимпиадаларга тайёргарлик;

Танланган мавзу бўйича илмий иншо ёзиш. ТМИ га ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳар бир босқичда ишнинг аниқ мақсади ва қўйилган вазифалари тушунтирилиши, талабалар томонидан ана шу мақсад ва вазифаларнинг англанганлиги назорат қилиниши керак. Бу ишлар кейинчалик талаба томонидан вазифаларни мустақил тарзда қўя билиш ҳамда мақсадларни танлаш кўникма ва малакаларининг шаклланишига асос бўлади.

Амалий машғулотларнинг teng ярми, яъни бир жуфтликнинг 50 %и масала ва машқларни мустақил бажаришга сарфланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уни қўйидагича ташкиллаштириш мумкин:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи. (машғулот мақсади, асосий масалалар)

2. Тезкор сўров.

3. 1-2 масала ёки машқни доска ёнида бажариш.

4. Масала ва топшириқларни мустақил бажариш.

5. Топшириқларни бажаришдаги хато ва камчиликлар устида ишлаш. (жорий машғулот охирида ёки кейинги дарс бошланишида). Машғулотларни ўтказишда мустақил ишлар ва топшириқларини катта банки бўлиши мақсадга мувофиқир. Улар мураккаблик даражасига кўра ажратилса янада яхши бўлади. Машғулотларни ўтказишда фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб куйидаги усуслардан фойдаланиш мумкин:

1. Қийинлик даражасига кўра бир хил бўлган бир қатор топшириқларни бериш. Бунда муайян вақт оралиғида энг кўп машқ бажарган талаба юқори баҳо олади.

2. Қийинлик даражаси турлича бўлган топшириқлар берилади. Бунда баҳо топшириқ турига қараб белгиланади.

5. Талабалар мустақил ишининг амалга оширилишига қаратилган методик таъминоти ва назорати.

Ўқув жараёнининг методик таъминоти мажмуини ишлаб чиқиш ТМИ самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Бу мажмууга маъруза матнлари, дарсликлар, ўқув ва методик адабиётлар, лаборатория практикумлари, топшириқ ва вазифалар банки, фаннинг ахборот базалари ва бошқалар киради. Ўқув-методик адабиётлар фақат ахборот беришгина эмас балки ташкилий-назорат қилиш вазифаларини ҳам бажариши керак. Ўқув-методик адабиётларнинг бошқарувчилик вазифаси саҳифалар белгилашда, Ўқув материалининг асосий қоидаларини матндаги ажратиб кўрсатишида, Ўқув материалларининг ўзаро алоқадорлигни кўрсатиб берувчи таркибий-мантиқий жадвалларининг мавжудлигига намоён бўлади.

ТМИ натижали бўлиши эса унинг замонавий фаол назорати билан боғлик. Назоратнинг қуидаги турлари мавжуд:

- кириш (дастлабки) назорати. Бунда талабанинг навбатдаги фан ўрганилишидан олдин шу фанга оид билим ва малакалари назоарт қилинади;
- жорий назорат, яъни маъруза, амалий ёки лаборатория машғулотларида материалнинг ўзлаштирилиши мунтазам равишда назорат қилиб борилади;
- оралиқ назорат, бу курсдаги муайян бўлим ёки қисмнинг тугашига боғлик бўлади;
- ўз-ўзини назорат қилиш - фанни ўрганиш жараёнида назорат ишларига тайёрланишда талабанинг ўзи томонидан амалга оширилади;
- якуний назорат - фан ўқиб бўлингач имтиҳон ёки синов шаклида ўтказилади.

Кейинги пайтларда университетимизда назоратнинг замонавий -рейтинг шакли оммалашганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Иш якунида шуни ҳам айтиш лозимки. ТМИ ташкил этишнинг шакл ва усуллари ниҳоятда кўп. Булардан қайси бирини танлаш ва фойдаланиш конкрет фанга, ўқитувчининг мақсад ва вазифаларига, қолверса унинг тажриба ва маҳоратига боғлиқдир.

Юқорида кўрсатилган намунавий низом ва тавсиялар асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг мустақил таълимини ташкил этиш бўйича методик тавсиянома ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилмоқда.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАШИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ҳозирда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг мустақил ишлашлари учун маълум шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва бажарилаётган ишлар бўлажак мутахассислар ўзлари учун зарур бўлган барча ахборот ва маълумотларни мустақил топиш ва йиғиш маҳоратини, уларни таҳлил эта олиш малакасини эгаллаган бўлишларини тақозо этмоқда.

Мустақил ишлаш ҳар бир талабадан маълум бир тизимга риоя қилишни, тиришқоқликни, мақсад сари интилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам кўпчилик талабаларда олий ўқув юритидаги кундалик хётни тўғри ташкил қилиш муаммоси пайдо бўлади. Баъзи биринчи курс талабалари ўрганилаётган материалларни етарли ўзлаштириб олиш учун вақт етишмаслигидан, юкламалар қўплиги учун кам дам олаётганликларидан шикоят қиласиди.

Бундай вазият ўз вақтини тўғри тақсимлай олмаган, ҳар бир дақиқасининг қадрига етмаган талабалардагина содир бўлади. Шунга кўра, мустақил ишлашда кун тартибига қатъий риоя қилган ҳолда иш бошлаш тўғри ва мақсадга мувофиқдир. Кун тартибини мақсадга мувофиқ тарзда тузиш учун куйидагича иш юритиш керак.:

Бир суткани бир қанча зарурий улушларга бўлиш керак: бунга ишлаш, овқатланиш, бадан тарбияси, дам олиш, ҳордиқ чиқариш, хўжалик ишлари ва шу кабилар киради.

Кун тартиби тузишдан мақсад ҳар бир талабанинг маълум тартибда иш олиб боришига, хеч нарсани эсдан чиқармай, ҳамма нарсага вақт ажратиш, ҳар бир ишни ўз муддатида бажаришга ўргатишдан иборатдир. Кун тартибини ҳар бир киши ўзининг шахсий физиологик имкониятларигагина эмас, балки умумисоний қонун-қоидаларга қараб ҳам тузиш мумкин.

Кун тартибини тузишда ухлаш (суткасига 7-8 соат), мунтазам овқатланиш (уч-тўрт марта), дам олиш (фаол ва суст) учун етарли вақт ажратиш зарур. Саломатликни яхшилаб бориш мақсадида ҳар куни жисмоний машқлар ва бадан тарбиясига риоя қилиб, организмни чиниктириш учун ҳам вақт ажратиш тавсия этилади. Кўпчилик талабалар ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборишлари натижасида маълум зўриқишиларга учраши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики эрталаб нонушта қилмай келган талабалар кўп ҳатоликларга йўл қўядилар, тўйиб ухламаган талабаларда тезкорлик этишмаслигини кузатишими мумкин.

Агар мияга дам берилмай, юклама билан ишлайверилса, асаб хужайраларига ва бутун асаб тизимиға зўриқиши бўлиши мумкин. Бундай шароитларда ҳар қандай иш фаолияти тўхталиб дам олиш мақсадга мувофиқдир. Театр, кино, шеърхонлик, китоб мутаоласи, истироҳат боғларида сайр қилиш, табиат манзараларидан баҳра олиш, сайдарда бўлиш – буларнинг ҳаммаси унумли меҳнат қилишда ажойиб ёрдам берувчи омиллардир.

Маълум бир соатда уйқудан туриш, овқатланиш (бир суткада камида уч марта) ва уйқуга ётиш кун тартибининг асосини ташкил этади. Кун тартибини белгилашда вақт меъёрини режалаштириш ўқув машғулотлари жадвали, ўқув дастури ва дарсдан ташқари машғулотлар жадвалига асосланиб тузилади. Бинобарин, ана шу хужжатлар билан танишиш мустақил ишлашни ташкил этишнинг асоси ва биринчи шартидир.

Бу хужжатларни ўрганиб чиққач, биринчи галда овқатланиш ва ухлаш вақтини белгилаб олиш зарур. Олий ўқув юрти талабалари 7-8 соат ухлаши, уларнинг фаолияти давомида етарли даражада ишлашлари учун кифоя қиласи.

Ухлайдиган хонанинг ҳавоси ҳамма вақт тоза бўлиши лозим. Ёз пайтида деразаларни очиб қўйиб ухлаш ёки очиқ ҳавода ётиши мақсадга мувофиқдир. Ухлайдиган ҳарорати 15-20 даража атрофика бўлиши мумкин.

Овқатланишда ҳам маълум бир тартибга риоя қилиш лозим. Ақлий меҳнат билан банд бўлинганда овқатга тухум, пишлок, қанд, сут ва таркибида фосфор моддаси бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтирган маъқул. Кунига тўрт марта овқатланганда умумий мезоннинг 25-30 фоизи нонушта, 10-15 фоизи чошгоҳда, 40-50 фоизи тушликда ва 15-20 фоизи кечки овқат пайтида истеъмол қилган маъқул.

Ҳар бир талаба ўзининг иш режасига эга бўлиши керак. Шахсий иш режаси юқорида қайд қилиб ўтилган шартларни инобатга олган ҳолда, берилган топшириқлар аниқланади. ўқув жадвалида белгиланган топшириқлар, қисқача маъруза, тажриба ишлари, назорат топшириқлари, оммавий тадбирлар,

мусобақалар, бадиий кечалар, спорт мусобақалари каби тадбирларнинг муддатлари ҳисобга олинади.

Бир хафталик ёки бир ойлик режа тузиб чиқилади. Ушбу режада бажариладиган ишлар мазмуни, куни, ва вақти кўрсатиб ўтилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаги касб таълими факультети талабалари вақтни тўғри тақсимлай олмасликлари натижасида мустақил иш бажаришлари муаммога айланмоқда. Уларнинг маълум тартибга риоя қилмасликлари, мустақил фаолият билан шуғулланиш йўлларини билмасликлари бунинг асосий сабабидир. Шунинг учун талабаларни кун тартибини тузишга, унга риоя қилишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Улар маълум бир тартибга ўргангунларига қадар ҳар бир кунни уйқудан уйғониш (соат 700) дан бошлаб, то уйқуга ётиш (соат 1100) гача маълум меъёрларда тузиб чиқишилари керак. Ўргангунларидан сўнг ҳар куни такрорланувчи фаолиятларни қайд этмаган ҳолда, ўзгариб турувчи ва қайд этиш лозим бўлган маълумотларгина ёзиб борилади. Қилинадиган ишларнинг куни ва вақти аниқ белгиланиши лозим.

Масалан қуидагича тартибда дафтарчага қайд қилиб қўйиш мумкин:

| Сана, вақт | Бажариладиган ишлар мазмуни | Хафта куни |
|---------------|---|-------------------------------------|
| 5. V 1420 | Гурӯҳ йиғилиши. Спорт залида машқ. | Чоршанба |
| 1730 1930 | Кутубхонада ишлаш Спорт залида машқ | Душанба, Сешанба, Пайшанба, Жума |
| 6-V 1500 | Хамкурслар ва бошқа дўстларнинг уйига бориш. Саломатлигидан ҳабар олиш | Шанба, Якшанба |

Шундай қилиб, ўқишдан ташқари ишлар учун кунига 4-4,5 соат вақт ажратиш зарур ва бу вақтни 5-10 минутгача аниқлик билан тақсимлаш мумкин, бундай ақлий меҳнат гигиенаси мезаонларига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар куни кечқурун бажарилган ишлар таҳлил қилинади. қайси ишни бажаришда сусткашликка йўл қутилган бўлса, кейинги босқичларда тузатишлар киритишга ҳаракат қилинади. Юмушлар тартибли равища белгилаб чиқилади. Мияни толиктириб қўймаслик учун ақлий меҳнатдан сўнг жисмоний меҳнат билан шуғулланган маъқул.

Кун тартибини тузишда мустақил ишлаш учун белгиланган соатларда бошқа ишлар билан банд бўлиб уни бекорга ўтказмаслик кераклигини, ҳар 40-50 минутдан сўнг 10 минут ҳордиқ чиқариш, 2,5-3 соатлик машғулотдан сўнг эса, гарчи чарчамаган бўлсангиз ҳам, ярим соат дам олиш зарурлигини эътиборга олиш керак:

Машғулотни тушуниш бир мунча оғир бўлган ўкув предметидан бошлаш, сўнгра яна ҳам қийинроғига ўтиш, осонини эса энг охирида ўқиши ҳам мумкинлигини назарда тутиш зарур.

Мустақил ишлашни оз-оздан бошлаб, мунтазам равища кўпайтириб бориш лозим. Маълум бир меъёрда иш бажариш одамни чарчатмайди ва

фаолиятнинг турғунлигини таъминлайди. Режалаштирилган ва амалга ошириш йўлларини тузатиш ташкилотчилик қобилиятини уйғотади, ирода, сабот-матонат, ижодий тафаккурлаш, мустақиллик каби фазилатларни туғдиради.

Шундай қилиб, мустақил ишлашни намунали ташкил қилиш кўп илмий назарий материалларни ўзлаштириш, билимдан бўлиш ва етук мутахассис бўлиб етишиш учун замин ҳозирлайди.

Вақтни тўғри тақсимлаш ва мустақил ишлашни оқилона ташкил этиш, мустақил ишлашнинг форма ва методларини аниқлаб олиш муҳим ахамият касб этади. У ёки бу фанлардан уйга берилган вазифаларни бажариш мустақил ишнинг оддий шакли ҳисобланади. Мураккаб шаклига эса ўтилган дарслар-маърузалар ва амалий машғулотлар, семинар ва лабораториялар, бўлимлар юзасидан адабиётларни мустақил равишда таҳлилий ўрганиб чиқиш, айrim саволларга аниқ жавоблар топиш билан боғлиқдир. Манбаларни мустақил ўқиш йўли билан қуилган саволларга бир неча адабиётлардан умумлаштириб, жавоб топишга ўргатиб бориш яхши натижалар беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мустақил таълим олиш турларини қуидаги тартибда белгилаб олдик ва илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик.

Мустақил таълим олиш турлари

1. Маъруза тинглаш ва қайд қилиш
2. Амалий ишларни бажариш
3. Машқлар бажариш
4. Ўқув адабиётлари билан ишлаш
5. Назорат ишларига тайёрланиш
6. Мустақил ишлар асосида талabalар билимини текшириш
7. Чизмалар ва схемаларни ўқиш, тузишни ўрганиш
8. Техник моделлаштириш ва лойихалаш
9. Маъруза тайёрлаш
10. Техник ижодкорлик
11. Мустақил таълим олишда масофавий таълим тизимидан фойдаланиш
12. Дарс таҳлили

1-кўриниш

МАЪРУЗА ТИНГЛАШ ВА ҚАЙД ҚИЛИШ

Мустақил таълим жараёнида маъруза тинглаш ва қайд қилиб бориш асосий кўринишлардан бири ҳисобланади.

Маърузани тинглаш, қайд қилиш жараёнида маъруза манбалари ва рақнинг бир тарафига, иккинчи тарафига жой қолдирилган ҳолда ёзилади.

Иккинчи тарафига эса талаба томонидан чиқарилган хулосалар, мулоҳазалар, уларда пайдо бўлган саволлар, саволларга жавоб вариантлари, фактлар ва хар хил белгилар қўйишни тавсия қилинади. Бу мақсадда баъзан кенг ҳошиялар қолдирилади.

Талabalар маъруза давомида тўлиқ ва батафсил ёзишлари шарт эмас. Ўз навбатида кўпчилик ўқитувчилар ўқув китобларида берилгандан фарқ қилувчи

асосий ҳолатларни – хулоса, критериялар, аксиома, қоида, постулат, парадокс, парадигма, концепция, ҳолат ва ҳ.ларни ёздириб боришади.

Илк маърузалар давомида атайлаб бўш қолдирилган жой-ҳошиялар қизиқиши уйғотган саволларни уларга жавоб вариантиларини ёзиб олиш, ўйлаётган фикрларни изоҳ этиш, ўқитувчи ва талабалар билан бўлган сухбат ва диалоглар, мулохазалар, «минбариға» айлантириш керак. Маърузанинг бошланишиданоқ назорат текширув саволлари берилади. Саволга жавобни бирор талаба маъруза тарзда баён этади. Ушбу жавобни қолган талабалар ёзиб олишади.

Ҳамма ўқитувчилар янги мавзунинг кириш қисмини олдинги мавзунинг боғловчи саволлар билан бошлашга тайёр бўлиши керак. Жумладан:

- Ўтилган мавзу юзасидан қандай хулосалар олдингиз?,
- Қайси фактлар мавзуни етарли ёрита олади? ва ҳ.к.

Бу вақтда берилган фикрларни талабалар варақ ҳошияларига ёзиб боришади.

Маърузалар талабалар томонидан ўзларига тушунарли тарзда турлича шаклда ёзилиши мумкин. Масалан: баъзи талабалар энг асосий фикрларни рангли қаламларда белгилашади, баъзилар эса бир четга «чироқча» белгилари қўйиб чиқишиади.

Маъруза тинглаш ва қайд қилиб бориш айниқса сиртқи бўлим талабаларининг ўз устиларида ишлашларининг энг самарали усули ҳисобланади.

Бу усул билан талабалар адабиёт билан ишлаш, режа тузиш, замонавий техникани қўллаган ҳолда маълумот сақлаш, имтихонларга тайёрланиш, курс ишларини бажариш, рефератлар тайёрлаш каби фаолиятларга йўлланма оладилар. Айнан маърузаларни фаол эшитиши ва қайд қилиб бориш талабаларнинг мустақил изланишларига жалб қиласди. Маъруза тинглашдан олдин унга тайёргарлик кўриш керак. Бунда умумий ўқув режа билан танишиб, олдинги дарслардаги маъруза қайдларини кўздан кечириш, манбаларни фикран тақрорлаш учун ўзини психологик тайёрлаш лозим.

Маъруза тинглаш – интеллектуал фаолиятнинг мураккаб туридир. Унинг муваффақияти биринчидан, умумий «tinglai олиш» билан, иккинчидан, дафтарга ёзиб бориш билан бирга материални ўзлаштира олиш билан боғлиқдир. Маърузани ёзиб олиш-асосий нарсаларга эътибор қаратишга, маъруза жараёнида эшитилган нарсаларни ўйлаб кўришга, ўқитувчи томонидан изоҳ қилинаётган материал кетма-кетлигини мантиқий нуқтаи- назардан тушунишга ёрдам беради.

Бундай усул айниқса ўқув йили бошларида талабаларга бирмунча қийинлик қилиши мумкин ва қуйидаги хатоликларга йўл қўйишлари мумкин: баъзилар маърузани сўзма-сўз ёзиб олишга харакат қиласди, баъзи талабалар дуч келган жойдан ёзиб кетаверади ва ҳ.к. Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун қуйидаги бир неча қоидалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1). Мавзу, мақсад, маъруза режаси, фойдаланилган адабиётлар берилгандан кейин уларнинг қандай изоҳ этилиши, кетма-кетлиги, қандай ифода этилиши, мулохазаларни мазмунини назардан қочирмаслик керак.

2). Асосий маълумотларни, мустақил кўриб чиқиш учун ўқитувчи томонидан берилган саволларни ёзиб олиш керак.

3). Ёзувларнинг аниқ бўлишига уларнинг кетма-кетлигига мавзу, параграф савол ва саволчаларини, ажратиб ёзишга харакат қилиш керак. (Унда тагига чизиш усулидан, белгилаш яъни харфлар ва рақамлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир).

Қандай фан ўрганилаётганига караб маъруза ёзишаётгандарида асосан амалий кўникма ва малакаларга эътибор беришлари лозим.

Маърузани лўнда ва қисқа тушунарли тарзда ёзиб борган маъқул. Ҳар бир талаба ўзига қулай қисқартиришлар тизимини ишлаб чиқиши мумкин. Жуда яхши ёзилган маърузани ҳам мантиқий ва хulosавий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиб, ёзиш мумкин.

Мустақил ишлаш давомида қўшимча адабиётлардан, луғатлардан фойдаланиш мумкин.

Мустақил ўрганишда асосий ўринни маърузани умумлаштирувчи турли ҳилдаги вазифаларни бажариш эгаллади. Масалан: мавзуга доир режа ёки тезис тузиш, саволларга жавоб бериш, тестлар ишлаб чиқиш, реферат ёзиш мумкин.

Агар кириш маърузаси курс мазмуни, фанни ўрганишга кириш қисмida ўқилса (нимани?, қандай ўрганиш керак?), умумлаштирувчи маъруза хulosса чиқаришга (нима учун ўрганиш керак?) ёрдам беради.

Умумлаштирувчи маъруза олдин ва ҳозирги кунда мавжуд бўлган бирор бир масалани назарий жихатдан очиб беради.

Умумлаштирувчи маъруза билан ишлаш давомида қуйидаги саволларга жавоб топиш мумкин:

- қандай тушунчалар билан кўпроқ ишлаш керак;
- қандай умумлашув (предмет ва ходисаларни фикран умумий жихатларини бирлаштириш) аниқлаш мумкин;
- ўқув материали ва уни тизимлаштириш;
- қандай умумий қонунлар ва тамоилларни топиш мумкин;
- матнни қандай материал билан тўлдириш мумкин;
- қандай ва қайси параметрларга кўра маъруза материалини таққословчи таҳлилини ўтказиш мумкин ва ҳ.к.

Умумлаштирувчи маърузанинг материаллари билан ишлаш тизими маъруза матнига берилган баъзи топшириқларни бажаришга ҳам киритилади.

Топшириқларни уч даражага бўлиш мумкин:

Репродуктив даражали топшириқлари: - умумлаштирувчи маъруза режасини тузиш, маъруза материалига оид тезис ишлаб чиқиш.

Продуктив даражали топшириқлари: - муаммоли саволларга жавоб бериш, схема (намуна) асосида маърузани қайд қилиш, муаммонинг келиб чиқишини аниқлаш.

Ижодий даражали топшириқлари: - мавзуга доир назорат текширув тестларини, реферат ёзиш.

Касб таълими йўналишида таълим олаётган сиртқи бўлим талabalariiga эса фанга, шу жумладан педагогикага тегишли тўлиқ маъруза матни

берилмайди. Унга педагогика асослари, дидактика ва тарбия асослари назарияси, педагогика тарихи ва ўз мутахассислигидан келиб чиқсан ҳолда касбий йўналишдаги маъruzалар вариантлари берилади. Уларнинг ҳаммаси умумлаштирувчи бўлиб, уларда энг долзарб муаммолар ёритилади.

2-кўриниш

АМАЛИЙ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

Мустақил ишларнинг кўринишларидан бири амалий ишларни бажариш жараёнидир.

Амалий машғулотлар талабада билимни мустаҳкамловчи уларни янги вазиятга кўчириб, амалий масала ва вазиятларни ҳал қилиш учун умум-педагогик тушунчалар ва асосий педагогик маҳоратларни ривожлантиришга қаратилган.

Амалий машғулотларни ўtkазишда асосий методлар қўйидагилардан иборат:

- топшириқларни бажариш;
- педагогик вазиятлар ишлаб чиқиш;
- умумлаштирувчи схемаларни моделлаштириш;
- керакли маълумотларни топиш;
- мустақил (қўшимча) билим олиш.

Иккита охирги методлардан кўриниб турибдики, машғулотларда изланиш методларидан фойдаланиб, қисқа текшириш ишлари олиб борилади. Талabalар илмий матнлар, маълумотнома ва тарихий-педагогик адабиётлар билан ишлаб стандарт, экстремал вазиятларда тез ва тўғри психалогик-педагогик қарор топишлари, ҳамда кейинги изланишлар режасини ҳам тузади.

Дарс берувчи учун психологик-педагогик изланишлар наъмуналарини, амалий ва назарий масалаларнинг оптимал ечиш усусларини намойиш этиш катта аҳамиятга эга.

Амалий - лаборатория машғулотларида янги психологик-педагогик ташхис ва методикалар билан танишиб, улар билан ишлайдилар, ёш бўйича гурухларга ажратилган ҳолда гурухларга бўлинади ва педагогик технологияларни таҳлил қилишади.

Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талabalар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки тажриба ўtkазадилар.

Илмий техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чукур ва кўргазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқот ўtkазиш кўникумларини шакллантиради. Фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради. [8 – 17 б]

Амалий-лаборатория машғулотларида талabalар асосан, қисман-изланиш усулини қўллайдилар.

Талabalар кичик гурухларда мустақил ишлайдилар. мустақил ишлаш жараёнини тўрт турга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

«Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг биринчи тури - бу сиртдан қараганда фаолиятнинг алгоритмик маълумотлар ва вазифалар

шароитидан иборат, яъни дастлабки билимларнинг шаклланиш омиллари асосида талабаларда шаклланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниқлашдир.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг иккинчи тури. Бунда ўзлаштирилган ахборотлар хотирада қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яъни билимларнинг иккинчи босқичини бажаришга қаратилган билимлар шаклланади.

Мустақил ишларнинг учинчи турини бажаришдаги билиш фаолияти умуман олганда билим, малака ва кўникмаларни кўчиришни амалга ошириш йўли билан аввал ўзлаштирилган ва қолипга тушган (муайян алгоритм ҳаракатли тажрибаси) тажриба асосида янги фаолият тажрибасини тўплаш ҳамда намоён қилишдан иборат.

Мустақил ишлар хусусий-дидақтика мақсаднинг тўртинчи тури ижодий фаолиятга омиллар яратишдир.

Бундай ишларни бажаришда талабаларнинг билиш фаоллиги шундан иборатки, бунда талабалар муҳокама қилинаётган обьект моҳиятига тобора чуқур кириб боради, зарур бўлган янги олдиндан номаълум бўлган ғояларни топиш ва янги ахборотларни юзага келтириш тамойилларини ҳал қилиш учун зарур бўлган янги алоқалар, муносабатларни ўргатади [8 – 18 б].

Амалий машғулот ўтказиш шакллари ҳар хил педагогик вазиятларни лойиҳалаш, педагогик масалалар ечиш, топшириқлар бажариш, таянч схемалар билан ишлашдан то учрашув, ўқитувчилар билан баҳслар бажаришгача бўлади.

Амалий ва амалий - лаборатория машғулотлар режасини амалий ишлар ҳисобига кенгайтириш мумкин. Алоҳида аҳамият мавзули режа ва ўқитувчининг иш режасига кўра тузилган амалий ишлар блокига қаратиш керак [10].

Амалий ишлар айрим муаллифларнинг педагогик жараёнларни ўюштиришга ёндашишига қаратилган бўлиб, улар умумлаштирувчи схема ва материалларни тизимлаштириш, намойиш этиш билан ифодаланади.

Амалий машғулот шаклларидан бири семинардир. Семинар маълум бир илмий ўқув ва бошқа турдаги гурӯҳлар билан ўтказиладиган машғулот тури. Семинарга тайёргарлик кўриш алгоритми қўйидагича: талаба ўзига мавзуу танлаб олгач, у семинарга тайёрланиш режасини тузиб олади. Кўйилган муаммони атрофлича ўрганиш учун у мавзуга тегишли адабиётлардан кенг фойдаланиш керак. Тезислар тузиб улар асосида маъruzalар ёзишлари керак. Ёзилган маъruzani тахлил қилиш, иложи борича, ўқитувчи билан суҳбатлашиши, маслаҳат олиши тавсия этилади. «Талабаларнинг маъruzalari буйича изоҳлари қўйидагича бўлиши керак:

- Мустақил фикрлашга йўналтириб туриш;
 - Тавсия этилаётган масаланинг моҳияти ва шаклини аниқлаш;
 - Талабалар баҳосидаги нуқтаи-назарни дарров фарқлаб олиш;
 - Масаланинг ностандарт ҳал қилинишини рағбатлантириш»
- [8 – 17 б].

Семинарда назарий дарсларда олган маълумотларини кенг равишда қайта ўрганиш ва уларни мустаҳкамлаш имкони бўлади. Семинарлар давомида

амалиёт учун муҳим бўлган муаммоли саволлар қўйилади ва уларга кўпчилик ҳамкорлигига жавоб изланади. Мунозарали семинарлар ташкил қилиш талабаларнинг ўз фикрларини билдиришлари, муаммоли саволларга биргалашиб жавоб қайтаришларида алоҳида аҳамият касб этади. Мунозарали семинарлар долзарб мавзулар бўйича талабалар фикрини ўрганиш учун ўтказилади.

Кўпинча бу саволлар қўйидагicha бўлади: «Ақл ва фикрлар учрашуви», «Менинг фикрим қўйидагicha», «Ҳар бир инсон ўзича ҳал қиласди» [14].

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатиб турибдики, семинар яхши қизиқарли ўтиши учун қўйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- талабаларни ўз хоҳишлирига кўра гурухларга бўлиш;
- гурух учун умумий мақсад ва топшириқлар белгилаш;
- ишнинг кетма-кетлиги;
- ишни якка, иккилик гурух ва жамоавий тарзда ташкил этиш;
- машғулот давомида ҳар бир босқичнинг вақтини чеклаш;
- мутахассис тахлили;
- гурухнинг ишини ўқитувчи томонидан баҳоланиши;
- талаба ўзини баҳолаши.

Ўқитувчи ҳар бир семинар машғулотига якун ясади, унда қўйидагилар эътиборга олинади:

- замонавий фан эришган муаммо мухокамасининг ҳолати умумий даражасига тавсиф бериш;
- айрим талабаларнинг чиқишлирин баҳолаш;
- машғулотга баҳо бериш (талабанинг фаоллиги унинг тайёргарлик ва ўсиш даражаси, маданияти ҳамда фикрлашдаги хусусиятлари [8 – 17 б.]

3-кўриниш

МАШҚЛАР БАЖАРИШ

Мустақил ишларнинг асосий кўринишларидан бири машқлар бажаришдир.

Машқлар дастур асосида тузилиши, жуда осон ёки ҳаддан ташқари қийин бўлмаслиги лозим.

Машқлар - кўнишка ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян хатти-харакатларни кўп марта такрорлашдир. Ишлаб чиқариш таълимидағи машқларга асосан қўйидаги талаблар қўйилади: машқларни ўқувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; ишлаб чиқариш методикасига асосланиши, тизимли, изчил, узлуксиз бўлиши ва такрорланиши; ўқувчиларнинг мустақил ишлаши мунтазам ривожланиб бориши керак.

Машқларга таълим методи сифатида қатор дидактик талаблар қўйилади:

1. Машқлар ўқувчиларнинг онгли фаолиятига асосланади.

Кўнишка ва малакаларни ҳосил қилишда онг катта роль ўйнайди.

2. Машқлар ва уларнинг элементлари қийинлиги ортиб борадиган тартибда жойлаштирилади. Ҳар хил меҳнат жараёнларида бир

хил элементлар усуллар, харакатларнинг ўзи кўп учрайди, аммо жараёнларнинг ўзи қийинлиги бўйича фарқ қиласди.

3. Машқлар пайтида ўқувчилар ўз меҳнат ҳаракатларини назорат қилишлари керак. Бунда дастлабки тайёргарликнинг тўғрилигига катта аҳамият берилади [15 – 84 б].

Машқлар бажариш ўзлаштиришни мустаҳкамлайдиган ўқув жараёни хисобланади. Бу машқлар ҳар бир фанда ўзига хос мазмунда бўлади. Машқлар бажариш жараёнида кўпинча талабанинг ҳамма сезги аъзолари иштирок этиши билан унинг эслаб қолиш даражасини ошириш орқали педагогик имкониятлар янада кенгаяди.

Машқлар ўқиши, ёзиши, сўзлаши, фикрлаши, хисоблаши, турли ҳаракатлар бажариш, қуриш–ясаш, бўяши, мусиқа чалиши, мисол-масала ечиши, тестлар ечиши, компьютер билан ишлаши, асбоблар, станоклар, бошқа техника воситалари билан ишлаш далада фермада, қурилишда ишлаши, уй-рўзгор ишларини бажариш ва спорт машқлари, ишчанлик ўйинлари, мусобака, кўрик танлов ва бошқалардан иборат.

Машғулот вақтининг кўпроқ қисми машқлар бажаришга сарфланиши, албатта, яхши натижалар беради [18 – 44 б.].

Машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолияти ва зарур воситалар.

| Ўқитувчи фаолияти | Воситалар | Талаба фаолияти | Воситалар |
|--|---|---|--|
| Машқ бажариш тартибини кўрсатиб бериш, тушунтириш, савол-жавоб, раҳбарлик, назорат | Масалалар Топшириклар Тестлар Асбоблар Станоклар Жихозлар Материаллар Компьютер Уйга вазифа | Кузатиш, тушуниш, машқ бажариш, такрорлаш, ўзлаштириш, сўзлаш, савол-жавоб, ёзиш, чиши, ҳисоблаш, ҳаракатларни бажариш, қуриш ясаш, уй вазифасини бажариш, фикрлаш ва б. | Диққат Тафаккур Хотира Асбоблар Материаллар Машқ дафтари ва б. |

Мустақил иш бажариш жараёнида китоб билан ишлаш энг асосий восита хисобланади. Китоб билан ишлаш жуда осон ва қулай усул хисобланади. Талabalарнинг адабиётлар билан мустақил ишлаши уларда янги билимларни шакллантиришда ёки илгари олган билимларини мустаҳкамлашда қўлланиши мумкин. Бу методдан фойдаланишда талabalарнинг матндан асосий нарсани ажратиш, матн қисмларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, жадваллар ва расмлар мазмунини таҳлил қилиш қўнимларини такомиллаштиришга, ўқув қўлланмаларининг айрим мавзуларини мустақил ўрганишга алоҳида эътибор

бериш керак. Мустақил ҳолда билим олишда қатнашиш талабаларда мустақил билим олиш малакаларини шакллантиради [19 – 17 б.].

Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда ўқув адабиётлари билан мустақил ишлашни ташкил этиш муҳим омил ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан мустақил ишлаш жараёнида қуидаги тавсияларни таклиф этамиз:

1. Аввал адабиётлар мундарижаси билан танишиб чиқиб, қайси масалалар муҳимлигини белгилаб чиқинг.

2. Ижодий ёндошган ҳолда кўриб чиқинг.

3. Ўқиша қуидагиларни амалга оширинг:

а) асосий ғояларни хотирада ёки қалам билан белгилаб чиқинг.

б) ғоялардаги фикрларнинг ривожланишини исботланиши ёки ўз тасдифини топиши баён этилган масалаларни алоҳида белгиланг. Агар уларга аксинча қарама-қарши фикрларга эга бўлсангиз, бу икки материални қиёсий ўрганинг.

в) сизни қизиқтирган атама, муҳим фикрлар бўйича кичик изоҳли луғатча тузиб, бу атамаларни тартиб рақами орқали ёзиб боринг.

г) юқоридагиларни ўзлаштирганлигингиз бўйича ўзингизга хисбот беринг. Тушунарсиз бўлган фикрларни белгилаб, сўнгра аниқлаштириб олинг.

4. Жуда мураккаб манбалар устида қайта-қайта ишланг. Асосий тушунчаларни ёзиб олинг.

5. Тўғри тушунганилгингиз ва ўзлаштирганлигингизни назорат қилиш учун турли машқ ва вазифаларни бажаринг.

6. Асосий тушунчаларни ёзиб беришнинг зарурати бўлмаса, асосий ғоялар бўйича кичик ён дафтарчангизга чизгилар қилиб боринг.

4-кўриниши. КИТОБЛАР ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ.

Китоблар ва ўқув адабиётлари билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш мустақил таълим олишнинг асосий кўриниши ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан ишлашни барча таълим олувчилик яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ўқув адабиётлари деганда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар, маълумотлар, йўриқномалар ва х.к. тушуниш мумкин.

Дарслик-талабаларга чуқурроқ билим олиш ва материални ёки унинг қисмларини мустаҳкамлаш учун ушбу материални тақорорлаш имконини беради.

Ҳақиқатдан ҳам дарс жараёнида дарслик бўйича материални мустақил равишда ўрганиш бўйича топшириклар вақти - вақти билан бўлиб турса, талабаларда китоб билан ишлаш маҳорати ва кўникмаларини ривожлантиради. Дарслик билан мустақил ишлашни ҳаддан ташқари кўп хажмда уйга вазифа сифатида талабаларга юклатилса, ортиқча зўриқишига олиб келади. Бу талабаларда фанга бўлган қизиқиши камайтиради. Шунинг учун дарсликлар билан ишлаш ва бошқа ўқув адабиётлари билан таништириш мустақил ишлаш маҳоратини ва кўникмаларини талабаларда шакллантириш ишларини ўқитувчи

томонидан ўқитишининг ҳамма босқичларида: яъни янги мавзуни тушунтиришда, билимларни ошириш ва мустаҳкамлашда ва уй топшириқларини текширишда олиб бориш керак. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчилари таълим олиш жараёнида қуидаги мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллашлари лозим: матнларда, расм ва кўргазмали қуролларда, жадвал ва хариталарда асосийсини ажратиб олишни; маълумотларни ўзлаштиришда мантиқий алоқадорлик ва боғлиқликларни аниқлашни; ўрганилаётган ҳодисаларни таққослашни, дарсликларнинг бир ёки бир неча қисмлари бўйича умумлаштириш ва хулоса чиқаришни билишлари керак. Мавзу бўйича янги сўзлар ва терминлар тузишни, дарслик бўйича алоҳида мавзуни ўрганишни, дарслик матни бўйича режа, тезислар тузишни, дарслик матнидан фойдаланиб масалалар тузишни, дарсликда кўрсатиб ўтилган тажрибаларни бажаришни билиши керак. Эгалланган маҳорат ва кўникмаларни дарсликлар билан ва бошқа турдаги ўқув адабиётлари билан дарс мобайнида, дарсдан ташқари машғулотларда ўқув фаолиятларини ташкил этиш усуллари билангина такомиллаштириш мумкин. Талабалар ўқув адабиётлари билан ишлаш жараёнида уларда мустақил ишлаш қобилиятлари ўсиб боради. Талабалар мустақил ишлаш маҳорати ва кўникмаларини эгаллаб борган сари топшириқлар мазмуни мураккаблашиб боради.

Талабалар томонидан режа тузиш, тезислар ёзиш, маъruzалар қайд қилиш каби кўникмалар эгалланган бўлсада, аниқ фанларни ўрганиш жараёнида ўқитувчи томонидан режа тузиш, тезис ёзиш ҳақида тушунча бериши, уларнинг фарқини кўрсатиб бериши, ўзаро боғлиқлигини тушунтириб ўтиши керак.

Талабаларга ўқув адабиётларидан конспект ёзиб бориш мураккаб усуллардан бири эканлигини ва буни бажариш учун аввало режа, тезисларни тузиш кўникмаларини яхши ўзлаштирган бўлишлари лозимлигини тушунтиришлари лозим. Бунинг учун аввал бутун матнни ўқиб бериш, шундан кейин, унинг мантиқий яқунланган қисмларига ажратиш ва ҳар бирига сарлавҳа бериш керак. Режанинг ҳар бир саволини ўрганилаётган материалнинг асосий қоидалари билан қисқача асослаб бериш керак. Конспект тузиш мисоллар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Дарсликдан конспект ёзиш усуллари дафтарга ёзиб борилади. Машғулотлар мобайнида талабаларга материалнинг бир қисмини мустақил равишда дарсликдан ўрганиш таклиф этилади. Бунинг учун уларга маълум вақт ажратилади ва ўқиганлари аосида конспект тузиш топширилади. Бундай топшириқ ўқитувчига талабалар режа, тезис, конспект тузишнинг назарий асосларини амалда қандай қўллашларини аниқлашга имкон беради. Китоб билан мустақил ишларни бажариш бўйича машқларга кўпроқ вақт ажратиш зарур. Китоб билан мустақил ишлаш жуда самарали усули фақат хотирани эмас, балки ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашларини ҳам ривожлантирувчи ўрганилаётган топшириқларни бажариш ҳисобланади. Талабаларнинг ўрганилаётган ҳодисаларни таққослаш усулларига ўргатиш – умумдидактик вазифа ҳисобланади. У ҳар бир ўқитувчи томонидан ўқитилаётган фан мазмунига қараб турлича кўринишда бўлади.

Техник китобларни ўқишга қўйиладиган талаблар.

Техник адабиётларни ўқишига бир қатор талаблар қўйилади. Бу энг аввало материални режали ўқишидир. Мустақил ўқишида кетма – кетликка, бир китобни ўқишидан иккинчи китобни ўқишига ўтишда ўзаро боғлиқлик, қизиқтирадиган мавзуси бўйича билимлар тизими асосида режага эга бўлиши керак. Бир мавзудан бошқасига ўтиб керакли мақсадга эришиш учун, талаба томонидан маълум кетма – кетликда ўқишига қарор қилинган китоблар ва мақолалар рўйхатига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кутубхоналарда маълум соҳаларга оид адабиётлар рўйхати мавжуд бўлади. Китобхон кутубхона катологлари ва китобдан фойдаланиш ҳақидаги қўлланмалар асосида ўзининг шахсий режасини тузиб олиши лозим. Бундай режани тузишга маҳсус фан ўқитувчилари, кутубхоначилар ёрдам беришлари мумкин.

Техник адабиётни ўрганишнинг муҳим талаби материални ўрганиш кетма – кетлигига эътибор бериш ҳисобланади. Айрим талabalар диққатни бир жойга жамлаб ололмайдилар. Улар китобга қараб ўтириш мобайнида фикрлари бошқа нарсаларда бўлади. Бу китоб мазмунини тушунишда қийинчиликлар туғдиради. Айнан ўша саҳифаларни қайта ўқиб чиқиш зарурати туғилади. Кўпчилик талabalар вақтдан ютиш мақсадида матнни ўқиш давомида айрим сўзларни, ибораларни ташлаб кетишади. Бу сабаблар ҳам материални тўлиқ ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун матн ўқиш давомида маълум қисмида тўхталиш қилиб юқорида ўқилган материал юзасидан хулосалар чиқариш, саволлар қўйиши ёки оғзаки тушунганини такрорлаш самарали натижа беради. Ўқиш давомида тушунмаган сўзлар ва саволлар ёзиб олиниши ва лугатлар қўлланмалар, мутахассислар ёрдамида аниқлаб олиш талаб қилинади.

Техник адабиётларни ўқишида мажбурий шарт ўқишини такрорлаш ҳисобланади. Китобни биринчи маротаба тўлиқ ўқиб чиқилса, такрор ўқишида яхши тушунмаган саволларга эътибор қаратилади. Китобни қанчалик диққат билан ўқиманг барибир баъзан жуда муҳим фикрлар, мисолларга етарли эътибор берилмай қолиши мумкин. Китобни такрорий ўқиб чиқиш китобдаги асосий фикрлар ва муҳим далиллар асосида тушуниб олишга ёрдам беради.

Ўқиганларига ижодий, танқидий муносабатда бўлишга ўрганиш, мустақил ўқиш жараёнида олган билимларини ўзининг амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилиш жуда муҳимдир. Айниқса бўлажак касб таълими бакалавр ўқитувчилари учун касбий фанларни ўқитиш жараёнида ўкув қўлланмалари билан ишлашни такомиллаштириш керак. Бунда талabalарни янги ўкув материалини идрок қилишга яхши тайёрлаш учун уларга қўлланманинг маълум бўлимини ўқиш вазифа қилиб берилади. Шунингдек, талabalарга қўлланма бўйича меҳнат обьектлари билан танишиш ва уларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлар тартибини ўйлаб кўришни ҳам топшириш мумкин.

НАЗОРАТ ИШЛАРИГА ТАЙЁРЛАНИШ

Имтихонларга ва назорат ишлариға тайёрланиш жараёни ҳам мустақил таълимнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади.

Таълим олиш даврида имтихонлар ва назорат ишлари топшириш талабалардан катта жавобгарлик талаб қиласди. Имтихонларда ва назорат ишларида талабалар ўкув режасини қандай даражада ўзлаштирганликлари ҳақида ҳисобот берадилар. Талабаларнинг назоратларга ўз ҳоҳиши асосида мукаммал тайёрланиши аъло баҳо олишининг гаровидир. Талаба ҳар бир дарсга ўз вақтида ва яхши тайёрланса ҳам у назорат ишларидан олдин барибир қайта тайёрланиши керак, яъни материални қайта ўкиши, умумлаштириши ва тизимлаштириши лозим.

Имтихонларга бир-бир ярим ой аввал тайёргарликни бошлаш керак. Аввало талаба назорат ишлари жадвалини аниқлаб олиши керак. Ушбу жадвал асосида талаба ўзи учун ўкув режа тузиб олади.

Имтихонга тайёрланиш билетлар ва назорат иши мавзулари асосида олиб борилса кўпгина камчиликлар вужудга келиши мумкин. Билетлар асосида тайёрланганда – механизациялаштирилган ёдлаш вужудга келади ва фан асосларини ўрганиш тизими бузилади. Ҳар ҳил назорат ишлари мавзулари асосида тайёрланганда эса кўпинча бўшлиқлар пайдо бўлади, баъзан эса энг муҳим муаммолар четда қолиб кетади.

Шунинг учун имтихон ва назорат ишлариға тайёргарлик кўриш жараёнида барча ўтилган мавзуларни атрофлича ўрганган ҳолда ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, бир қанча тайёргарлик машқларини бажарган ҳолда, тайёрланиш мақсадга мувофиқдир.

Энг самарали усуллардан бири эса барча ўтилган мавзуларни такрорлашдир. «Такрорлаш илмнинг онаси».

Такрорлаш – бу индивидуал жараёндир: - ҳар бир талаба ўзи учун қийин, ноаниқ, унтилган мавзуларни яна бир карра кўздан кечириши, асосија ва фикрларни қайта ўрганиши, бир қанча қийин машқларни бажариш йўлларини синаб кўриш асосида ташкил топади.

Такрорлашга киришишдан олдин энг қийин камроқ ўзлаштирилган мавзу ёки бўлимларни аниқлаб уларни алоҳида бир вароқга ёзиб олиш тавсия этилади. Такрорлаш жараёнида ўкув режа материалларини ҳаммасини (маъруза қайдлари, ўкув адабиётдаги маълумотлар, қўшимча ўқилган китобдан қилинган қайдлар, маслаҳатлар, семинар ва амалий машғулот давомида ёзиб олинган қайдлар) ёзиб олиниб, уларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш керак.

Такрорлашни ўкув режа мавзулари ёки бўлимлари асосида олиб бориш тавсия этилади. Унда мавзу якунлангач, берилган саволларга жавоб бериш, топшириқларни бажариш керак. Имтихонлар ва назорат ишларидан олдин ўтказиладиган маслаҳатлар давомида талабалар билим олиш пайтида ҳосил бўлган бўшлиқларни тўлдиришга, ҳосил бўлган саволларга жавоб топишга, муаммоларни ечишга ўз эътиборларини қаратишлари керак.

Талабалар материални ўзлари мустақил ўрганиб чиқмасалар, назоратчи билан бўладиган сухбат «умумий», юзаки бўлиб керакли натижани бермайди.

Имтихонларга ва назорат ишларига қуйидаги асосларда тайёрланиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи: - ўзингизга қулай, тинч иш жойини танланг;

Иккинчи: - қулайроқ ўтириб олиб, олдингизда тоза вароқларни, ёнингизга – ўнг томонга дафтар ва китобларни қўйинг. Мазкур мавзуга тегишли бўлган ҳамма нарсани эслаб олинг, тезис ва режа кўринишида уларни тоза вароқнинг чап томонига ёзинг. Сўнгра эса буларни китоб ва маърузалар ёрдамида текшириб чиқинг ва сиз эслай олмаган нарсаларни вароқнинг ўнг томонига ёзиб чиқинг. Шу ернинг ўзидаёқ ўқитувчига бериладиган саволлар ҳам ёзилади. Ҳеч қандай ноаниқликлар бўлмасин.

Учинчи: - ўз режангиз асосида ишланг. Фақатгина ўз билимингизни текшириш учун ёки маслахатлашиш учунгина шеригингиз билан ишлашингиз мумкин.

Тўртинчи: - мавзу бўйича жавоб тайёрлаётган пайтингизда асосий фикрни тезис кўринишида белгилаб, асосий факт ва рақамларни уларга исбот равища ёзиб олинг. Сизнинг жавобингиз қисқа, мазмунли бўлиши керак.

Бешинчи: - назорат тайёргарлик билан биргаликда амалий кўникма ва малакаларни ҳам унутманг. Сиз матн, харита ва бошқалар билан ишлай олишингизни намоён этишингиз керак.

Олтинчи: кун тартибини ва ишлаш режасини белгилаб олинг, ўз вақтида дам олиш, ухлаш, овқатланиш ва тоза ҳавода бўлишни унутманг.

Еттинчи: ўқитувчининг маслахатларида фақатгина бошқаларнинг саволларига жавоб эшитиш учунгина эмас, балки сизни қизиқтирган саволларга жавоб олишга ҳаракат қилинг.

Саккизинчи: - шпаргалкалардан фойдаланманг;

Тўққизинчи: - ўз билимингизга ишониш руҳий дадиллик олиб келади. Баъзан биттагина саволга тайёргарлик кўрмасангиз, айнан ўша савол сизга тушиб қолади;

Ўнинчи: - қандай фан бўлмасин, уни ҳозирги замон технологияси билан, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқлигини унутманг;

Ўн биринчи; - берилиши мумкин бўлган саволларга жавобларни компьютер дастурлари ва Интернет маълумотлари асосида бойитиб боринг.

Ўн иккинчи: - имтихонда саволни олгач, хотиржам жойингизга бориб ўтиринг. Саволни ўйлаб кўринг, жавобнинг режасини тузинг, ҳарита, иш ускуналари ёнига боринг, қандай қилиб бажарган амалий ишингизни назарий жиҳатдан тушунтириб беришни ўйлаб кўринг. Агар баъзи нарсаларни унугтан бўлсангиз ҳаяжонланманг.

6-кўриниши

МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ВА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ.

Талабаларнинг билимини текшириш яъни аниқлаш, янги материални мустаҳкамлаш вақтида, ўтилган ўқув материалларини ўзлаштириш, меҳнат

усулларини эгаллаш ва мустақил меҳнат топшириқларини, график ишларини ва уй топшириқларини бажаришлари жараёнида талабаларнинг билимлари текширилади ва унга балл қўйилади.

Талабаларнинг ўқув-меҳнат фаолиятини мунтазам текшириб бориш ва унга балл қўйиш уларнинг берилган топшириқларни ўз вақтида ва пухта, мустақил бажаришларини таъминлайди, илмий техникавий билимларни, меҳнат кўнималари ва малакаларини астойидил эгаллашга ундейди.

Шу билан бирга ўқитувчи ишлаб чиқариш материалининг талабаларда мавжуд бўлган камчиликларини аниқлаш билан бирга уни тузатиш чораларини излашга ундейди.

Шунингдек талабаларнинг ўзлаштиришини текшириш ўқитувчиларнинг фаолиятига баҳо беришига асос бўлади, яъни ўқитувчи ўқув материалини қанчалик тушунарли қилиб баён қила олиши ва меҳнат усулларини кўрсатиши, меҳнат ва хунар таълимининг ташкилий шакллари, методларидан ҳам кўрсатмали қўлланмалардан самарали фойдаланишга, мустақил ишларни ташкил этиш, уларнинг бажарилишига раҳбарлик қила олишга баҳо бериш имконини беради.

Ҳозирда талабаларнинг олган билим даражаларини рейтинг усулида баҳолаш оммавий тарзда амалга оширилмоқда.

Рейтинг (инглизча сўз бўлиб – баҳо, тартиб, классификация маъносини билдиради) – белгиланган даража бўйича бирон-бир ҳодисани субъектив баҳолашни билдирувчи атамадир.

Рейтинг тизми - Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқкан ҳолда талабаларнинг билимини хаққоний баҳолаш, уларда фанларни ўзлаштириш бўйича қизиқишлигини ошириш ва уларнинг билим, кўнима ва малакаларини эгаллашга бўлган эхтиёжларини ривожлантириш ўқитиш жараёнида рейтинг тизимини қўллашнинг асосий мақсадини ташкил қиласди.

Рейтинг тизими қуйидаги афзалликларга эга:

- таълим жараёнига ижобий натижа беришни назарда тутувчи янги педагогик ўқитиш тизими кириб келади;
- талабаларнинг билими объектив баҳоланади;
- ўқитувчи ва талаба ижодий фаолиятга тўла киришади;
- талабага аниқ мақсад қўйилади ва у ўзи эришган натижани кўра олади;
- талабанинг шахсий сифатлари баҳоланади;
- талабаларнинг жавоблари узлуксиз тарзда олинади;
- талабани бевосита мустақил фикрлашга ундейди;
- назарий билимларни амалда қўллаш учун кенг имконият яратилади;
- талабани назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади;
- талабани ёзма топшириқлар орқали ижодий фикрлашга ўргатади;
- талаба руҳиятига озор етказилмаган ҳолда таълим-тарбия берилади ва рағбатлатирилади;

Рейтинг тизимида ўқув режасига киритилган ҳар бир ўқув фани бўйича талабаларнинг билими сифатини баҳолаш учун қуйидаги назорат турларидан фойдаланилади:

Жорий назорат (Ж.Н.)

Оралиқ назорат (О.Н.)

Якуний назорат (Я.Н.)

Жорий назорат (Ж.Н.) – оғзаки сўров, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, техникавий диктант, курс лойихалари, уй вазифаси ва ҳоказолар, яъни талаба ўз амалиётида қўллайдиган барча сўров турларини ўз ичига олади.

Жорий назоратда ўтказиладиган сўров турларини қўйидаги қискартирилган кодлар билан белгилашни тавсия этамиз: Тест (Т); Оғзаки (О); Лаборатория иши (Л); Масала ечиш (М); Уй вазифаси (У); Курс лойиҳаси (Кл); Ёзма иш (Ё); Назорат сўрови (Нс); Техникавий диктант (Тд); Амалий иш (А); ва х.к.

Жорий назорат ўқув дастурлари бир ёки бир неча мавзуларини ўргангандан сўнг ўтказилади.

Оралиқ назорат (О.Н.) – ўқув фанининг алоҳида мақсадга қаратилган катта ва тугалланган ҳажмидан кейин ўтказилади. Бу ўқув дастурининг бир ёки бир неча бўлимидан кейин бўлиши мумкин. О.Н. семестр давомида ҳар ой якунида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Якуний назорат (Я.Н.) – семестр давомида ўтилган барча боб ва мавзуларга таълуқли асосий саволларни қамраб олиши керак. Бу назорат семестр якунида тест ёки ёзма иш асосида ўтказилади.

Юқоридаги назорат турлари асосида «Касб танлашга йўллаш» фанидан рейтинг – мейёрий хужжатларига тўхталиб ўтсак.

Касб таълими факультетининг бакалавриат йўналиши:

5142900 – Касб таълими (соҳалар бўйича);

5142000 – Меҳнат таълими;

5140900 – (5520600-Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жихозлари ва уларни автоматлаштириш);

5140900 – (5520700-Технологик машиналар ва жиҳозлар) каби таълим йўналишлари «Касб танлашга йўллаш» фанининг ҳамма юклама соати – 114 соат қилиб белгиланган. Шундан 76 соати – аудитория соати, 38 соати – мустақил таълимдир. V – семестр давомида хафтада 4 соатдан машғулот олиб борилади ва семестр оҳирида якуний назорат олинади.

7-кўриниш

ЧИЗМАЛАР ВА СХЕМАЛАРНИ ЎҚИШ ВА ТУЗИШНИ ЎРГАНИШ.

Касб таълими факультетини кўпчилик фанлари техникавий асосларга эга бўлганлиги сабабли чизмаларни ўқиши, схемаларни тузиш муҳим ахамият касб этади. Бўлажак касб таълими бакалавр ўқитувчиларини тайёрлаш ўқув режасида чизма геометрия ва мухандислик графикаси фанига жами 199 соат юклама берилган. Бундан 54 соати маъруза, 78 соати амалий машғулот ва 66 соати мустақил таълимга ажратилган. Бундан мақсад талабаларнинг билим, малака кўникмаларни эгаллашларида уларнинг чизиқларни, схемаларни ўқий олишларини, керак бўлганда тузишларини шакллантиришдан иборат. «Чизма геометрия ва мухандислик графикаси фанидан: мухандислик графикаси ва

проекциялаш асослари: геометрик моделлаштириш асослари, проекциялар ва проекциялаш турлари, комплекс чизма, чизмани қайта тузиш, тасвиirlар (кўринишлар, қирқимлар, кесимлар) аксонометрик тасвиirlар, сиртлар, сиртлар устидаги нуқта ва чизиқлар, сиртларнинг ўзаро кесишуви, деталнинг эскизи ва иш чизмалари, йифиш чизмаларини ўқиш ва деталларга ажратиб чизиш, сиртларнинг ёймасини бажариш, ажралувчи бирикмаларни тасвиirlаш (резбали, шлициали, шпонкали) ва ажралмайдиган бирикмалар, конструкторлик хужжатларнинг комплекси, давлат стандартлаштириш тизими, сиртларнинг ғадир-будурликлари, чекланишлар ва ўтқазишлар, узатмалар, йифма бирликнинг йифиш чизмасини чизиш ва схемалар ҳақида маълумотларни эгаллаш назарда тутилган.

Компьютер графикаси: Компьютер графикасининг техник воситалари, компьютернинг график воситаси, интерактив компьютер графикаси, программалаш воситалари, имконият структураси ифодаланган.

Талабаларга чизмаларни ўқиш ва тузишни ўргатиш учун уларда график билим элементлари билан танишишлари чизмаларни ўқишни ўргатишдан бошланади. Машғулотларда техник хужжатлар сифатида техник расмлар, эскизлар ва иш чизмаларидан фойдаланилди.

Чизмаларни ўқишга ўргатишнинг икки усули маълум. Биринчиси чизмага талабалар жавоб қайтариши лозим бўлган саволлар рўйхати илова қилинади. Саволлар талаба жавоб топиши учун чизмани ўрганишга, уни таҳлил қилишга мажбур бўладиган йўсинда тузилади. Иккинчи усулда эса муайян тартиб ва режа асосида чизмани ўрганишлари ҳамда унинг мазмунини таҳлил қлишларига асосланган бўлиб, бу иш қуидаги босқичлардан иборат:

1. Чизма билан умумий танишиш.
2. Деталнинг асосий ёзуви ва габарит ўлчамларини: деталнинг номи, материали, тасвир масштаби, габарит ўлчамларини ўқиш.
3. Тасвиirlарни: тасвир тасниfini, деталнинг умумий шакли, деталь элементларининг шаклларини ўқиш.
4. Ўлчамлар, шартли белгилар ва ёзувларни: ўлчамлар ва уларнинг ўзгариши чегараларини, юзаларнинг ғадир-будурлигини, техник талаблар ва кўрсатмаларни ўқиш.
5. Компьютерда берилган мураккаб чизмаларнинг керакли қисмини яққол тасвиirdа кўра билиш, харакат ва анимацияларни қўллаган ҳолда деталнинг тузилишини ўрганиш.

Чизмада предметнинг тасвири билан бирга технологик жараённи ташкил қилиш ва буюмни ишлаш учун керакли қатор қўшимча маълумотлар ҳам бўлади. Шунга кўра чизмани ўқишни ўргатиш – талабаларга фақат тасвиirlangan буюмнинг фазодаги шаклини тасаввур этишни эмас, балки уни тайёрлаш ва текшириш учун керакли барча маълумотларни аниqlашни ҳам ўргатишdir.

Талабалар чизма билан умумий танишишида унинг тузилмаси ҳақида тасаввур ҳосил қиласидилар.

Чизмада тасвиirlарни ўқиш, ишнинг энг мураккаб қисмидир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, талабалар учун детал элементларининг

шаклларини тушуниши умуман деталнинг шаклини тушунишига қараганда анча қийин ишдир. Талабалар деталь элементларининг шаклини тўлиқ ва тўғри тасаввур этишлари учун уларга чизмани муайян тизимда қилишни ўргатиш зарур.

Ўлчамлар, шартли белгилар ва остки ёки устки ёзувлар энг охирида ўқилади. Ўрганилаётган чизмалар давлат стандарти асосида чизилган бўлиши шарт.

Талабалар операцияларни тобора катта хажмда ўзлаштириш ва қийинроқ буюмларни тайёрлай бошлиши билан чизмаларнинг мураккаблиги ортиб боради.

Талабалар чизмани ўқиши малакаларини ўзлаштиришда чизмачиликда қабул қилинган шартли белгилар билан ҳам танишишлари керак. Бу чизмалар тузишни ўрганиш учун зарур.

Устахоналардаги машғулотларда чизмаларни тузиш одатда эскиз чизишдан иборат. Чизмаларни тузишни ўрганиш содда топшириқларни бажаришдан, чунончи, деталларни ўлчаш ва бу ўлчамларни тайёр чизмага қўйиб чиқишдан бошланади. Чизмалар тузишни ўргатишнинг бу усули самарали бўлиши учун ишлов бериш натижасида деталнинг шакли ўзгариши сабабли чизмага қўшимчалар киритишни, масалан, унда пармаланган ўйик ва ҳоказоларни акс эттиришни тавсия қилиш лозим. Кейинги топшириқларда талабалар олдига содда деталь ва унинг чизмаси билан танишишни, сўнг мустақил ҳолда шундай типдаги деталнинг чизмасини тузиш вазифаси қўйилади.

Бундай топшириқлар ўқув характеристига эга бўлгани учун уларни бажаришга кўп тўхталмаслик керак. Талабалар амалий ишда фойдаланиладиган чизмаларни тузсалар, уларнинг фаоллиги ва меҳнат топшириқларига қизиқиши ортади.

Бу чизмалар айниқса моделлаштириш жараёнида зарурдир. Лекин бунда талабалар етарлича график ҳамда лойиҳалаш билим ва малакалари йўқлиги сабабли муайян қийинчиликларга дуч келадилар.

Хусусан лойиҳалаш бўйича билим ва малакаларни етишмаслиги яққол кўринади. Талабалар учун шаклнинг ўзини яратишдан кўра ўzlари хаёлан яратган шаклни қоғозга кўчириш осонроқдир. Кўриниб турибдики, чизмалар тузишга ўргатиш жараёни лойиҳалаш элементларини ўргатиш жараёнига боғлиқ экан.

Касб таълими факультети талабалари кўпроқ машина, машина деталлари ва механизмаларни, уларнинг кинематик схемаларини ўрганишларига тўғри келади.

Талабаларни машиналарнинг кинематик схемалари билан таништиришга катта ахамият берилади, чунки тузилиши ва вазифаси жиҳатидан ҳар ҳил бўлган машиналарга умумий томонни ана шу схемаларда кўрсатиб бериш осон бўлади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича кинематик схемалардан фойдланиш туфайли машиналарнинг тузилишини, уларнинг ростланишини, носозликларини топишни ўрганиш осонлашишини кўрсатади.

Талабаларга кинематик схемаларни ўқишига ўргатишни схемаларни улар тасвирлайдиган машина ва механизмлар билан таққослашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Махсус тадқиқотлар кинематик схемаларни ўқиш ва тузишнинг қуидагича изчиллигини тавсия этишга имкон беради:

Схемаларни ўқиш: машинанинг номи, вазифаси ва қаерда қўлланишини аниқлаш; унинг иш жараёнини тушунтириш; машина тавсияномасини ўқиб чиқиш ва деталларнинг вазияти, харакатни узатиш усуллари ҳамда кетма-кетлигини аниқлаш;

Схемаларни тузиш: дастгоҳнинг иш жараёнини аниқлаш; харакат манбаининг ва иш қисмларининг вазиятини аниқлаш; харакат турларини аниқлаш; механик энергиянинг узатилиш усуллари ва кетма-кетлигини аниқлаш; кинематик схемаларнинг шартли белгиларидан фойдаланиб харакат манбаи ёки етакчи валнинг, оралиқ валларнинг, етакланувчи валнинг, валлардаги деталларнинг нисбий жойлашувини уларнинг махкамланиши ҳамда ишлашини ҳисобга олган ҳолда кўрсатиб бериш; механизмдаги мавжуд узатмалар асосида валлар орасидаги график боғлиқликни кўрсатиб бериш; машина асосининг умумий қўринишини бериш каби тушунчаларни мустақил ижодий ўзлаштиришлари керак.

8-кўриниш

ТЕХНИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИХАЛАШ.


Педагогика олий ўқув юртларида техник моделлаш ва лойихалаш машғулотлари учун кўпинча ўқув устахоналаридан фойдаланилади. Бу устахоналарда касб таълимининг хар ҳил ташкилий шакл ва методларидан фойдаланиш; техник маълумотлар бериш; тадқиқчилик ва амалий фаолият малака, кўникмаларни шакллантириш ишларини амлга ошириш; техник билимларни, меҳнат усулларини, бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш; эстетик дид ва меҳнат маданияти кўникмаларини, мустақил ишлаш қобилиятини шакллантириш; конструкторлик-технологик характердаги ижодий масалаларни ҳал қилиш, юксак даражадаги меҳнат интизомига ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.

Техник моделлаштириш жараёни бирор бир ноёб, қимматбаҳо хуллас кўп маблағ сарфланадиган иншоотлар, агрегатлар, машиналар ва ҳоказоларнинг моделини яратиш ҳисобланади. Одатда модельнинг ўлчамлари асл нусхага нисбатан анча кичик бўлади ва шунга кўра ундан арzonга тушади. Модель тузилиши жиҳатидан аслидан фарқланиши мумкин, лекин унда ишлаш жараёнида аслида содир бўладиган физик ҳодисалар кузатилиши керак.

Техник моделлаштириш жараёни учта асосий босқичдан иборат:

- модель ясаш учун техник хужжатларни (техник шартлар, чизмалар, технологияни) тайёрлаш, модель ясаш ва уни синааб кўришдан иборат.

Техникада ишлатиладиган моделлар З турга булинади. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари мустақил фаолият олиб боришлари учун ушбу турларни билиши талаб этилади.



1 тур – геометрик ўлчамлари ўхшаш. Кўргазмали қурол мақсадида ишлатиладиган объектнинг ташқи қиёфасини англатади. Бундай моделлар талабаларни замонавий машина, механизмлар тизилиши, ишлаш мезонлари билан танишитиради.

2 тур – физикавий ўхшашлик. Ўрганилаётган объектнинг харакат динамикаси, ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари, хусусиятлари ва ўхшашликларини кўрсатади.

3 тур – ҳаракат ўхшашлик. Тирик мавжудодларнинг ҳаракатларини моделлаштириш тушунилади. Бу турдаги моделларнинг аслига яқин бўлишни таъминлаш мақсадида кўп ҳолатларда улар тирик мавжудотлар, инсонларга ўхшаш қилиб яратилади.

Талабаларга техник моделлаштиришни ўргатиш жараёнида инсон ўз амалий фаолиятида табиат қонуниятлари ва ҳодисаларидан фойдаланишини кўрсатиб бериш, уларни замонавий ишлаб-чиқариш соҳалари билан танишириб чиқиш керак. Бунда талабаларнинг фан асослари бўйича олган билимларини устахонадаги амалий ишлари билан боғлаш керак.

«Техник моделлаштириш ва лойихалаш» бўйича амалий машғулотлар, деганда ўқув-мехнат фаолиятининг изчил ташкил этилиши тушунилади. Бу фаолият ҳам жамоа, ҳам индивидуал иш турларини ўз ичига олади ва бу ишлар педагог томонидан ташкил қилиниб, бунда талабаларнинг ўқув материалларини фаол, онгли ва мустахкам ўзлаштирилиши кўзда тутилади (17).

Талабаларнинг техник моделлаштириш жараёнидаги фаолияти асосан техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва модель ясашдан иборат бўлади. Шунинг учун энг аввал талабаларни чизмаларни ишлашга, технологик жараённи тузишга, моделнинг деталларини тайёрлаш ва уларни йиғишга жалб этиш учун энг қулай моделлар ясашни назарда тутиш лозим.

Талабаларга моделлаштиришни ўргатиш жараёнида объектларни тайёрлаш қуйидагича уч босқичда амалга оширилади:

- 1) мукаммал техник хужжатлар бўйича;
- 2) қисқартирилган техник хужжатлар бўйича;
- 3) техник шартлар ёки ўз шартлари бўйича;

Моделлаштиришни ўргатишдаги биринчи босқичнинг хусусияти шуки, унда талабалар топшириқни бажариш учун барча бошланғич маълумотларни

тайёргина оладилар. Бу эса ана шу босқичда талабаларнинг ижодкорлиги учун ҳеч қандай шароит бўлмайди дегани эмас. Чунки чизмалар, объектнинг техник шартлари ва технологик харита мавжуд бўлган тақдирда ҳам, талабаларнинг маълум даражада мусатақил ишлашига тўғри келади. Улар аввало техник хужжатларни тушуниб олишлари: чизмани ўқишлари ва технологияни ўрганишлари шарт.

Моделлаштиришни ўргатишнинг иккинчи босқичи талабалар топшириқни бажариш учун керакли маълумотларни тўлиқ олмаслиги билан тавсифланади.

Улар ёрдамчи адабиётдан фойдаланиб, буюмнинг лойихасини, уни тайёrlаш технологиясини ишлаб чиқишига ва ҳоказоларга жиддий ёндашиб, мазкур маълумотларнинг бир қисмини мустақил ҳолда ўзлари топишлари керак. Қисқартирилган техник хужжатларда бир йўла ҳам чизмаларни ўқиш ва ишлаб чиқиши, ҳам лойихалаш ва технологик жараённи ташкил этиш вазифаларини назарда тутиш тавсия қилинади. Талабалар етишмайдиган маълумотларни шу тарзда топиш учун чизмачиликдан, шунингдек лойихалаш ва технологиядан олинган билимларни ижодий қўллашлари лозим.

Моделлаштиришни ўргатишнинг учинчи босқичи талабаларнинг ўз ижодий тасаввури ёки буюмга қўйиладиган шартлар бўйича бажарадиган мустақил ишидир. Моделлаштиришда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари фарқи айниқса яққол кўринади.

Бунда маълум даражада айrim талабаларнинг онгли мустақил таълим фаолияти билан шуғулланиши хар ҳил техник қурилмаларни лойихалаш ва тайёrlашга қизиқишлари сабаб бўлади.

Лойихалаш – асл нусхадаги машиналар, мосламалар, жихозлар ва ҳоказоларнинг чизмаларини яратишга қаратилган ижодий жараёндир. (9).

Лойихалаш билан шуғулланиш учун аввало кенг график ҳамда технологик билим ва малакаларга эга бўлиш керак. Шунингдек, буюмларнинг мустаҳкамлиги, аниқлиги ва ҳоказоларига оид мураккаб ҳисобларни бажариш имконини берадиган маҳсус лойихалаш билимлари ва малакалари ҳам зарур.

Талабалар техник моделлаштириш билан шуғулланишда буюмларни лойихалаш, тайёrlаш ва пардозлаш бўйича қўйидаги ишларни бажарадилар:

1. Лойихаланадиган буюмнинг вазифаси ва қўлланиши билан танишиш;
2. Буюмдан фойдаланиш ва уни тайёrlаш жараённига асос бўладиган физик, кимёвий ва бошқа жараёнларни аниқлаштириш;
3. Умумтехник ва қўшимча адабиётларни ўрганиш, қўйилган вазифани ҳал қилинишининг энг яхши вариантини танлашда улардан фойдаланиш;
4. Буюмнинг бир нечта эскиз вариантларини тайёrlаш ва улардан энг яхшисини танлаш;
5. Буюмнинг техник лойихасини ишлаб чиқиши;
6. Буюмга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиши;
7. Айrim деталларни, узеллар ва умуман буюмни тайёrlаш ҳамда ростлаш;
8. Буюмнинг камчиликларини аниқлаш ва бартараф этиш;
9. Буюмни пардозлаш;
10. Буюмни тайёrlашга доир ўқув-техник хужжатларга тузатишлар киритиш.

МАЪРУЗА ТАЙЁРЛАШ.

Олий ўқув юртларида ўқитиши жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва методларидан фойдаланилмоқда. Таълимнинг асосий шакли эса маъруза ҳисобланади. Маъруза тайёрлаш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласиган иш. Бўлажак касб таълими бакалавр ўқитувчилари «Касб таълими методикаси» фанида, педагогик амалиёт жараёнида маъруза тайёрлашларига тўғри келади.

С. И. Архангельскийнинг таъкидлашича, маъруза ўқитувчиси шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. (11)¹

Маъруза вақтида ҳам, ҳар турли амалий машғулотларда ҳам, асосий эътибор талабаларнинг мустақил фикр юритишини ривожлантириш, билим ва малакасини оширишга қаратилган бўлади.

Маъруза олий ўқув юртлари аудиторияларида энг кўп қўлланадиган дарс шакли ҳисобланади. Маъруза – дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа манбалардаги материалларни қайта баён қилиб беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ўқитувчининг аниқ бир соҳа бўйича шахсий, илмий – педагогик, ижодий изланишларини ҳам ўзида жамлаши лозим. Етук маъруза ўқувчи ўқувчига маърузага вақтинчалик деб қарамасдан, балки мунтазам равишда унга тайёрланиб бориши, маъruzani қайта ишлаб, тўлдириб ва мукаммаллаштириши лозим.

Ҳар бир ўқитувчи маъруза тайёрланишда ушбу мавзуга таалуқли бўлган кўпгина материалларни қамраб олишга ҳаракат қилиши керак. Сўнгра ҳар бир соҳанинг дарслик ва қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар, журнал ва газеталар материаллари, тарихий ёзма ёдгорликлар ва бадиий асарлар, радио ва телевидение, Интернет каби аниқ материаллар манбаларидан фойдаланилади.

Маърузада ҳал қилинадиган асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

- илмий билимлар муайян микдори баён қилинади;
- талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;
- ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади. (11)¹

Бўлажак ўқитувчиларга ўқиладиган маърузаларнинг йўналиши ва уларни талабалар қабул қилиб олиши турлича тавсифда бўлади. Бу талабаларни дастлабки умумий билимларига, яъни умумий ўрта мактабларида эгалланган билим кўнишка ва малакаларга, уларга таълим берган ўқитувчиларнинг маҳоратига боғлиқдир.

Маъруза аудиторияда алоҳида фанлар бўйича ўтказиладиган умумий машғулотларнинг камида 50 % ни ташкил этади. Баъзи фанларда эса маъруза 60 – 65 % га бориб этади. Касб таълими факультетининг барча йўналишлари ишчи ўқув дастурларини кузатганимизда айрим фанлардан: яъни ўзбек (рус) тили, чет тили, Жисмоний тарбия ва спорт, касб таълими практикуми фанларидан

маъруза соатлари берилмаганлигини, барча соатлар амалий машғулот тарзида олиб борилишини кўришимиз мумкин.

Маърузада баён қилинган материаллар талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, аввало қизиқарли, ҳаётга боғлиқ, аниқ ва ишончли далиллар билан бойитилган бўлиб, у замонавий маърузага қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши лозим. Маъруза машғулотларида турли одатий кўргазмали қуроллар; назорат варақалари, схемалари, жадваллар, моделлар, материаллар, хариталар, замонавий кўргазмали қуроллар; ўкув телекўрсатувлар, ўкув кинофильмлар режалаштирилган дастурлар, мультимедиа воситалари, электрон дарсликлар, диопозитивлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Бундай шакллар қўлланганда, талабалар тез чарчамайдилар ва уларнинг фаоллиги сақланади.

Ўқитувчи маъруза ўқиши мобайнида талабаларга мавжуд материалларни етказиш билан бирга, уларга баъзи вазифаларни бериб, кутубхона, лоборатория ва архивларда ишлаш учун йўлланма бериши ҳам керак.

«Маърузанинг дидактик мақсади, ўқитиши жараёнидаги ўрни, ахборотларни баён қилиш методлариiga кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Дидактик мақсадига (йўналганлигига) кўра кириш, тематик ва умумий – якуний маърузалар фарқланади.

Кириш (муқаддима) маъруза курс (бўлим, мавзу) нинг илм – фан тизимидағи ўрни, ушбу материални амалиётда қўллаш имкониятлари, курс (бўлим, мавзу) мазмунини ўрганиш методлари очиб берилади. Бундай маърузанинг муҳим хусусияти шундаки, унда ўқитувчи асосий масаланинг у ёки бу томонларигагина тўхтатилади, бу масалалар кейинчалик албатта деталма – деталь ёритиб берилади.

Тематик маърузалар айниқса кенг тарқалган. Бундай маъруза у ёки бу мавзуга бағишлиган бўлиб, унда фактлар таҳлиллар, хуносалар мазмуни баён қилинади ва аниқ илмий қоидалар исботланади.

Умумий – якуний маъруза аввал ўрганилган материалларни қайтадан умумлаштиришга қаратилган бўлади. Унинг мазмуни баён қилинган мазмунга ўхшамайди, балки талабалар томонидан ўзлаштирилган ахборотларни юксак абстракция (мавхумлаш) босқичида тизимга туширилади. Бундай маърузалар талабалар билимини чуқурлашишида ва ўкув фани методологиясини яхши тасаввур қилишда алоҳида аҳамиятга молик бўлади»(11)¹

10-қўриниши

ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК

Техник ижодкорлик фаолиятининг асосий мақсади ва вазифаси бўлажак касб таълими ўқитувчиларига умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб - ҳунар коллежларида, синфдан, мактабдан ташқари ўкув муассасаларида ўкувчилар ижодий фаолиятини ташкил қилишнинг илмий – методик асосларини ўргатишдан иборатdir (17)¹. Улар қуйидагилардан иборат:

- талабаларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида техник ижодкорлигига оид билимлар тизимига эга бўлиш;

- техник ижодкорликнинг ташкилий ва иқтисодий асослари билан таништириш;
- кашфиёт, ихтирочилик, рационализаторлик ва патентлаш асослари бўйича тушунчаларга эга бўлиши;
- техник масалаларни ечиш метод ва усулларидан фойдаланиш кўникумларини ҳосил қилиш;
- техник ижодкорлик объектлари учун техник хужжатларини тузиш;
- мустақил равишда техник объектларни ва уларнинг моделларини лойиҳалай олиш;
- техника бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар учун мослама, дастгоҳ ва бошқа жиҳозларни мустақил лойиҳалай олиш;
- Республикаиз ўқувчилари техник ижодкорлиги фаолиятини ҳозирги холати ва уни такомиллаштириш истиқболини тушуниш;
- ўқувчиларни ижодий фаолиятга жалб қилинишининг асосий методларини билиш;
- техник ижодкорлик тўгараклари фаолиятининг мазмуни, ташкилий асослари, техник объектларни илмий асосда танлай олиш;
- тўгаракларни ўқув моддий – техник баъзасини ташкил қила олиш;
- синфдан ва мактабдан ташқари ўқув машғулотларида техник ижодкорликни методик асосларини билиш;
- ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига тегишли бўлган оиласвий ва оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни илмий асосларини билиш керак.

Талабаларнинг техник ижодкорлигини ташкил қилишда икки ўзаро боғлиқ вазифани эътиборга олиш зарур. Уларнинг биринчиси талабалар ижодкорлик фаолиятида мустақил фикрлашни ривожлантириш, билимларни эгаллашдаги интилувчанлиги, илмий дунёқарашини шакллантириши билан; иккинчиси - ўзлаштирилган билимларни таълимда ва амалий фаолиятда мустақил қўллай олишга ўргатиш билан белгиланади.

Техник ижодкорлик талабалар эгаллаётган билимларининг мустаҳкамлиги ва мукаммаллигини таъминлаш, уларда фаол ҳамда мустақил фикрловчи шахс хислатларини шакллантириш, ақлий қобилятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи фаолият тури ҳисобланади. Бу ҳолат, айниқса бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг фан асосларини ўзлаштиришда, кейинчалик бу жараёнга бевосита раҳбарликни амалга оиширишда ижодий ишлар шаклларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Ижодкорликка бўлган эҳтиёж психофизиологик жиҳатдан қаралганда, ўз ривожланишида бир нечта босқичларда амалга ошади. Булардан биринчиси хавас - эҳтиёжнинг энг содда шакли бўлиб, инсон томонидан онгли бошқарилади. Иккинчи, нисбатан юқорироқ ривожланиш босқичи бўлган хоҳиш ҳам инсон томонидан онгли бошқарилиб, у шахснинг маълум буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабатлари мажмуасини ифодалайди.

Учинчи, энг мураккаб босқич бўлган қизиқиш ҳоҳиш ва у билан боғлиқ бўлган тушунчалар асосида юзага келади. Қизиқиш ҳаётдаги ташқи таъсиrlар, шахс фаолияти ҳамда таълим – тарбия жараёни таъсирида шаклланиб боради. Бу ҳолатлар психологик омиллар - диққат, идрок, тушунча, хотира, фикрлаш, сезги, фаоллик ва ирода хислатларига сезиларли таъсир кўрсатиб, шахснинг шаклланишида алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг мустақиллиги билан тифиз боғланган. Бу тушунчалар бир – бирини тўлдиради, чунки мустақил ҳаракатларнинг ўзидаёқ шахснинг фаоллиги намоён бўлади, аксинча фаоллик кўпинча мустақил ҳаракатларни тақозо қиласди.

Талабаларнинг ижодий фаоллиги ривожланиши шахснинг ўрганилаётган нарса ва ҳодисалар моҳиятига чукур кириб боришга интилиш ва билиш фаолиятига янгилик ва ижодийлик унсурларини олиб кира олиши қобилияти билан характерланади.

Билиш мустақиллиги қўйидаги белгиларга эга:

- мустақил фикрлай олиш ва унга интилиш;
- янги вазиятларда мўлжални ола билиш, янги вазифаларни ечишга ўз ёндашувини топа билиш қобиляти;
- ўзлаштирилаётган билимларни нафақат тушунишини исташ, балки уни қўлга киритиш усувлари топиш;
- бошқа ишларни баҳолашда танқидий ёндашув;
- ўз ҳукмларининг эркинлиги. (11)¹

Б. П. Есипов мустақил ишларни билимларни излаб топиш, малака ва кўнималарни мустаҳкамлаш, билимлардан янги шароитларда фойдалана олиш, билимларни амалий қўллаш каби дидактик вазифалар билан боғлайди. (13)¹


Техник ижодкорлик янги муаммоларни ечишдан, расмийлаштиришгача бўлган даврни амалга оширишда, ундаги жараёнларнинг тизимилиги, узвийлиги ҳамда аҳамиятига боғлиқ ҳолда мустақил фикрлаш жараёни ва мустақил ижодий иш бажариш жараёни турли даврларда амалга ошади.

Талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни продуктив, репродуктив билиш фаолият соҳаларида турли даврларда ўрганиб чиқишимиз мумкин.

Продуктив билиш фаолияти – у фаолиятнинг шундай намунасики, у турли тоифадаги ижодий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган. Продуктив билиш фаолиятининг турларидан бири эвристик фаолиятдир. Эвристик фаолият талабаларнинг мустақил ишлари билан бирга амалга оширилади.

Репродуктив билиш фаолияти – бу фаолият билимларни амалий ва ижодий фаолиятда пировард натижада қайта ишлаб чиқиши билан боғлангандир. Билиш фаолиятининг бу намунаси билимларни ўзлаштириш, уларни ижодий ишда қўллаш, ўкув фаолиятининг турли усувларини эгаллашни қамраб олади. (11)¹.

Талабаларнинг ижодий ишни амалга ошириш жараёнларини схемада



кўриб чиқамиз.

Мустақил ижодий фаолият даврлари асосида продуктив ва репродуктив хусусиятлари алмашинувига боғлиқ бўлган 4 та даврни ажратиб олдик.

Биринчи даврда. Мустақил фикрлаш фаолияти продуктив хусусиятга эга бўлади, бунда мавжуд муаммони англаш, идрок қилиш, ечимини топишга эҳтиёж сезиш жараёни боради. Мустақил ижодий ишлар бажариш жараёнида аниқ мақсадлар белгилаб олинади. Мустақил иш бажаришнинг хусусиятлари аниқлаб олинади.

Иккинчи давр. Муаммо ечимини топишга ўтилади. Бунда мустақил изланувчининг билиш, кўникма ва малакаси қанчалик кўп бўлса, бу жараён шу қадар кам вақт талаб қиласи. Бу даврнинг узвийлиги ва узлуксизлиги, изланувчининг қай даражада интеллектуал билимга, тадқиқотчилик тажрибасига, дунёқараш кенглигига, изланувчининг мутахассислигига боғлиқлигига, муаммони ечишда қўлланиладиган воситалар ва ҳолатлар таҳлил қилинади. Мустақил ижодий ишлар бажариш тизими ишлаб чиқилади. Ушбу ишларни бажаришда лозим бўладиган материаллар тайёрлаб қўйилади.

Учинчи давр. Муаммо ва натижа ўзаро боғланади ва техник ечим йўллари таклиф қилинади. Ушбу давр муаммони ечишнинг энг аҳамиятли даври бўлиб, бунда муаммони ечиш йўллари, шакллари, методлари ва воситалари ўрганиб чиқилади, ҳамда амалда синаб кўрилади. Ечим ижодий натижа берса, унинг амалиётга тадбиқ қилинишига асос яратилади ёки аксинча ечим кутилган натижани бермаса у инкор қилинади. Мустақил ижодий ишлар бажариш тизими ишлаб чиқилади. Мустақил ишлар керакли усул ва воситалар ёрдамида бажарилади.

Тўртинчи давр. Ушбу репродуктив даврда таклиф этилаётган ечимни асослаш учун ҳисоблаш ва тажриба – синов ишлари бажарилиб, техник ечимни ишлаб чиқишининг учинчи даврида амалга оширилган ишларнинг натижасида назарий ва амалий исботлаб берилади. Олинган натижалар таҳлил қилинади ва керакли хulosалар чиқарилади. Мустақил ижодий ишлар бажариш тузилмаси ишлаб чиқилади ва керакли тузатишлар киритилади.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Масофавий таълим тизими анъанавий таълим тизимини амалга оширишда муаммоларга дуч келинган ёки шарт – шароит ушбу жараённи тақозо қилганда қўлланилади. Бу жараён маълум мухитда таълим самарадорлигини оширишга замонавий технолониялардан етарлича фойдаланишга замин яратади.

«Масофавий таълим» тушунчаси фанга 90 – йиллардан кириб келган. «Масофавий таълим» тушунчаси рус ва инглиз тилларида турлича талқин қилинмоқда. Инглиз тилида «Масофавий таълим» (diётant education) «Масофада ўқитиш» (diётant learning) каби вариантларда ҳам қўлланилади. Телекомуникациялардан фойдаланган ҳолда ташкил этишни эса (tele training) деб юритилади.

Педагогик адабиётларда «Масофавий таълим» тушунчаси ўкув ахборотларини таълим оловчи масофада туриб, етказиб беришни таъминловчи (сунъий йўлдош, телевидение, компьютер тармоқлари ва бошқалар орқали) янги ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган маҳсус таълим хизматлари тўплами сифатида эътироф этилган.

Тадқиқотчи Д. Сайфуров масофавий таълимга қуйидагича таъриф берган ва ўқитишнинг қундузги турига нисбатан афзалликларини таҳлил қилиб ўтган:

«Масофавий таълим – бу телекоммуникация воситалари ёрдамида ўқитиш бўлиб, бунда таълим жараёнини бир – биридан узокда жойлашган таълим субъектлари (ўқувчилар, талабалар, педагоглар) амалга оширадилар.

Масофавий таълим афзалликлари:

- тезкорлик – фазо ва вақт бўйича тўсиқларнинг йўқлиги, янги долзарб ахборотларни олиш, тез тескари боғланиш;
- ахборот таълимий мотивларининг ортиши (тармоқдаги ахборотлар);
- коммуникацион – таълимнинг потенциал иштирокчилари сонининг ортиши;
- педагогик – таълимнинг янада кўпроқ мотивлашиши, индивидуаллашиши, интерактив (таълим иштирокчилари ўзаро таъсирининг фаолланиши, тескари боғланишнинг мавжудлиги) бўлиши;
- психологик - ўқувчи (талаба)ларнинг ўз - ўзини намоён этиши учун янада яхшироқ ҳиссий – психологик шароитлар яратилиши, тўсиқларнинг бартараф этилиши;
- иқтисодий – таълим учун сарф - ҳаражатларнинг камайиши;
- эргономик - машғулотлар вақтининг ўзлаштириш суръати ва мақбул график бўйича таксимланиш» (18)¹

Масофавий таълим жараёнини ташкил этиш турли хусусиятларга асосланган ҳолда олиб борилади.

1. Таълим жараёнини бошқариш хусусияти асосида:

Бунда мустақил – индивидуал таълим оловчи учун ўқитувчи - раҳбар томонидан мунтазам маслаҳат бериб турилади. ўрганилаётган билим

даражасини назорат қилиш учун тестлар, сўровномалар асосида баҳолаб борилади.

Мустақил – индивдуал таълим жараёнида талаба ўқитишнинг қулай шаклларидан ва турли воситаларидан фойдаланилади.

2. Таълим жараёни мақсадга кўра: Ушбу турда таълим самарадорлигига эришишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда ўқув жараёнлари ташкил қилинади. Бунда керакли натижага эришишда лозим бўладиган барча жараёнлар мустақил таълим олишга қаратилади.

Масофавий таълим жараёнида эгалланиши лозим бўлган барча маълумотлар аниқ ифодаланишига эришиш лозим.

3. Масофавий таълимнинг ўқитиш мазмуни асосида:

Масофавий таълимни ташкил этишда фойдаланиладиган таълим ресурсларини танлаш, уларни таҳлил қилиш кабилар асосида тузилади. Мустақил таълим олишда масофавий ўқитишнинг турли хил даражалари аниқлаб чиқилади. Ҳар бир таълим олувчининг ички шарт – шароити ва имконияти даражасидан келиб чиқсан ҳолда мос келувчи масофавий ўқитиш даражаси тавсия этилади.

4. Масофавий таълимни педагогик технология асосида:

Масофавий таълим олишда талabalар мустақил ижодий, онгли фаолият билан шуғулланадилар. Улар мустақил билим олиш жараёнида лозим бўладиган педагогик технологиялардан, усуллардан, воситалардан фойдаланган ҳолда таълим самарадорлигига эришиш учун барча имкониятларни ишга солади. Керак бўлган ҳолларда қўшимча материаллар ҳам ёрдамчи восита сифатида татбиқ қилинади.

5. Масофавий таълимнинг ташкил этишда таҳлилий ёндашув:

Талabalарга берилган материалларни улар қай даражада эгаллаганликларини аниқлаш, таҳлил қилиш асосида белгиланади. Талabalарнинг берилган материални изчил, тизимли, аниқ кетма – кетлик асосида, етарли шарт – шароитларни ҳисобга олган ҳолда ёндашуви назарда тутилади. Бунда берилган маълумотлар элементар тарзда бўлиб - бўлиб ўрганилади ва ҳар бир бўлак бўйича назорат – текширув ишларини олиб бориш йўлга қўйилади.

6. Масофавий таълимни ташкил қилишда тескари алоқа асосида:

Ушбу турда олинган маълумотлар қайта ишланган ҳолда таълим олувчи томонидан қабул қилинади ёки берилган манбага қайтарилади. Умумий таҳлиллар асосида маълум хulosалар, тушунилмаган маълумотлар қайта алоқа асосида жўнатилади. Бу босқични амалга ошириш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

7. Масофавий таълимни ташкил этишда назорат қилиш асосида:

Талabalарнинг эгалланган билимларини масофадан туриб маълум назорат шакллари ва усуллари ёрдамида баҳолаш. Олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида керакли хulosаларга келиш. Ушбу натижалар асосида масофавий таълим дастурларига керакли ўзлаштиришлар, янгиликлар киритиш.

Ушбу масофавий таълимни ташкил этиш турлари асосида олиб борилган ўқитиш жараёнлари мустақил таълим олишда ўз самарадорлиги билан ажралиб туради.

Педагог олим У. Бегимқулов масофавий таълим олишнинг педагогик асосларини қўйидагича тадқиқ қиласди:

1. Ўқув жараёнининг марказида ўқувчининг мустақил билим олиш фаолияти (ўқиш, ўқитиш эмас) туради.

2. Ўқувчи билимларини мустақил эгаллаш, турли ахборот манбалари билан ишлаш ва улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

3. Билимларни мустақил эгаллаш пассив характерга эга бўлмаслиги, аксинча ўқувчи фаол билим фаолиятига жалб қилиниши керак.

4. Ўқувчиларни компьютер тармоқлари орқали ўқитиш янги педагогик технологияларни талаб этади. Бундай педагогик технологияларга ҳамкорликда ўқиш, лойихалар методи, муаммоли ўқитиш методларини келтириш мумкин.

5. Масофавий ўқитиш ўқувчининг ўқитувчи билан фаол мулоқотидан ташқари, бошқа ўқувчилар билан ҳам мулоқотини назарда тутади.

6. Назорат тизими доимий характерга эга бўлиши ва тезкор тескари алоқага, тестдан ўтказиш автоматик тизимиға асосланган бўлиши керак. (19)¹

Масофавий таълимнинг асосини мустақил таълим ташкил қилганлиги учун ҳам талабаларда ижодий тафаккур ривожланиб боради. Масофавий таълимда ўқув жараёнининг муддати қатъий белгиланмайди. Назорат ишларини бажариш ва жавоб йўллашни талаба ўзи мустақил, ўзига қулай вақтда бажаради. Ушбу масофавий таълим самарадорлигини оиширишга хизмат қиласди.

«Педагог олим Н. А. Муслимов масофавий таълимни ташкилий – методик моделларини қўйидаги асосда ташвиқ қиласди: Корреспондентлик таълими, Кейс технологияси, Радио – телевизион таълим, Тармоқли ўқитиш, Мобил технологияси» (8)²

Масофавий таълимни қандай ташкил қилишдан қатъий назар барчасида мустақил фаолият юритиш лозимлиги аниқдир.

Масофавий таълимни ташкил қилишда бир - қанча воситалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу воситалардан амалий жиҳатдан фойдаланиш масофавий таълим самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Қуйида Н. А. Муслимовнинг масофавий таълим воситаларини аниқлаганини кўришимиз мумкин:

1. Электрон дарсликлар.

2. Тармоқ ўқув – методик қўлланмалари.

3. Оддий ва мультимедиали варианtlар асосида компьютер таълими тизимлари.

4. Аудио ўқув – ахборот материаллари.

5. Видео ўқув – ахборот материаллари.

6. Лаборатория практикуллари.

7. Узоқ масофадан уланувчи тренажёрлар.

8. Узоқ масофадан уланувчи маълумотлар ва билимлар баъзаси.

9. Масофадан уланувчи электрон кутубхона.
10. Эксперт асосидаги таълим тизими (8)'.

12 - қўриниши

ДАРС ТАҲЛИЛИ

Дарс жараёнларини таҳлил қилиш бўлажак ўқитувчиларнинг билим, кўнишка ва малакаларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Дарсларни таҳлил қилиш жараёни «Касб таълими методикаси» фанида ўргатилади. Дарсни таҳлил қилишда бир қанча маълумотлар, дарс бориши, дарс ютуғи, дарс камчилиги ва фикр мулоҳазалардан иборат бўлади.

Дарсни таҳлил этувчи бўлажак ўқитувчининг кузатаётган фанни яхши билиши, билим даражаси ва таҳлил этиш малакасига эга бўлиши таҳлилнинг мазмуни, методик жиҳатдан тўғри, сифатли бўлишида муҳимдир.

Дарс таҳлили ўзаро узвий боғланган қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- ўқув материали мақсади ва мазмунини таҳлил этиш;
- талабанинг ўқиш, ўзлаштириш фаолиятини таҳлил этиш;
- ўқитувчининг педагогик маҳоратини ташкил этиш;
- ўқитувчи ва талабанинг бевосита иштирокида нарса, воқеа ва ҳодисани таҳлил этиш;
- ўқув материалини содда таҳлил этиш;
- таълимнинг турларини таҳлил этиш;
- таълим методлари ва шаклларини таҳлил этиш;
- таълим жараёнида фойдаланиладиган воситаларни таҳлил этиш;

Қуйида биз юқоридаги асосий қисмлардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ўқув материали мақсад ва мазмунини таҳлил этиш:

1. Ўқув материалининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини таҳлил қилиш.

2. Ўқув материалининг мантиқий тугалланган қисмларининг мураккаблиги таҳлил этилади.

3. Ўқитувчи бераётган маълумот таҳлил қилинади.

4. Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари таҳлил қилинади.

Талабанинг ўқиш, ўзлаштириш фаолиятини таҳлил этиш:

1. Талабаларнинг интизомини таҳлил этиш;

2. Талабаларнинг ўқув материалини ўзлаштиришлари учун ўқув мазмунининг осондан мураккабга ўзгариб боришини таҳлил этиш;

3. Талабанинг ўтилаётган мавзуга муносабатини таҳлил этиш;

4. Талабаларнинг ижодий фикрлаш фаолиятларини таҳлил этиш;

5. Ўқитувчининг талабага нисбатан талабчанлиги, унга таъсир этиш даражасини таҳлил этиш.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини таҳлил қилиш: ўқитувчининг ўқитиши фаолияти, ўқув ишларини бажариш, талабаларни маънавий - ахлоқий тарбиялаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, талабаларнинг дунёқарашини ривожлантириш жараёнини таҳлил қиласди.

Ўқитувчи ва талабанинг бевосита иштирокида нарса, воқеа ва ҳодисани таҳлил этиш: Талабанинг ўқув жараёнида ўзини тутиши, ҳатти - ҳаракати, муомиласи, интизоми таҳлил қилинади ва ҳ.

Таълим методлари ва шаклларини таҳлил этиш:

а) ўқитувчи қўллаётган методнинг ўқув материалининг характеристига мослигига;

б) дарсда кўргазмали қуроллардан фойдаланишга;

в) амалий ишларнинг адабиётлар билан мустақил ишлашнинг ташкил этилишига, мустақил ишларни бажаришдаги талабалар фаолиятига эътибор берилади.

Дарсни кузатиш, уни таҳлил этишга тайёргарлик кўриш ва таҳлил қилиш, асосан беш босқичда амалга оширилади:


1. Ўқув муассасаси раҳбарлари билан келишилган ҳолда таҳлил қилинадиган дарс, кузатиш муддати белгиланади.

2. Ўқув режаси, ўқитувчининг дарс учун тузган маъруза матни, дарслик, ўқув – методик қўлланма ва қўшимча материаллар билан танишилади, ўқитувчининг шахси ва характеристири ўрганилади.

3. Аудиторияда дарс жараёни кузатилади ва зарур фикрлар «Дарс таҳлили дафтари»га ёзилади.

4. «Дарс таҳлили дафтари» даги ёзувларни ўқиб чиқиб, улар мукаммаллаштирилади ва умумлаштирилади, шу асосда сухбатда айтиладиган фикрлар белгиланади. Гуруҳ журнали, талабаларнинг ёзма назорат ишлари, дафтарлари, ўқитувчининг фаолияти ҳақидаги фикрлар, ўқув муассасаси раҳбарлари томонидан кузатилган дарс таҳлили материаллари ўрганилади, баъзи далиллар таққосланади.

5. Дарсни кузатиш жараёнида туғилган фикр, хулосалар ҳақида оғзаки таҳлил этилади, ўқитувчига маслаҳатлар берилади. Мазкур дарс юзасидан билдирилган фикрларга ўқитувчининг шахсий муносабати сўралади сўнгра дарс ҳақидаги фикрлар якунланади.



1. Илмий таҳлил.

Бу таҳлилда талабаларга берилаётган билимларнинг илмий – назарий жиҳатдан тўғрилиги, мукаммаллиги ҳамда талабалар бажараётган мустақил ишнинг мукаммаллиги ва унинг аниқ мақсад томон йўналиши ўқув предмети хусусиятлари асосида аниқланади. Дарсни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда асосан қўйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

а) қоида ва таклифларнинг, рақамларнинг тўғри баён этилиши ва тўғри кўрсатилишига;

б) ўқитувчининг мавзуга илмий ёндошишига;

в) фан тарихи ҳақида бераётган тушунчаларига;

г) ўқитувчининг хulosалари, якуний натижаларига, уларнинг илмий жиҳатдан тўғри, мукаммаллигига;

д) дарслик материалларини қўшимча адабиёт материаллари билан бойитилишига, талабалар бажараётган лаборатория ва мустақил ишларнинг мақсадга мувофиқлигига;

е) ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олинишига; ва

х.

2. Психологик таҳлил.

Дарсни таҳлил этаётган бўлажак ўқитувчининг олдига хилма – хил психологик талаблар ҳам қўйилади. Дарсни таҳлил этувчи дарсни ўтишда ўқитувчининг талаба қобилятини тарбиялашига, унда иродавий фаолликни юзага келтириш ва ривожлантириш учун қўлланган усулларга талабанинг тасаввур этиш ва ижод этишида зарур ҳисобланган хаёл фаолиятига қандай муносабатда бўлганлигига аҳамият беради. Психологик таҳлил талаба ва ўқитувчининг қобиляти, қизиқиши, темпераменти, характеристи хусусиятлари, идрок, диққат кабиларни ўрганиш билан характерланади.

Психологик таҳлил этувчи дарсни ўқитувчи ва талаба фаолиятини таълим – тарбиянинг такомиллашган психологик асосларига суюнишни, талабаларнинг ўқув ишлари ва дарс жараёнидаги ҳулқий, психологик ҳолатларини ўрганади.

3. Методик таҳлил.

Ўқитувчининг дарсни баён қилишда фойдаланган методларининг афзаллик томонларини таҳлил қилиш. Таҳлил этувчи дарс методининг қимматини белгилашда дарсда қўлланилган методларнинг қўйидаги талабларга жавоб беришини инобатга олиши керак:

- 1) тушунтиришнинг содда ва равонлиги;
- 2) тушунтириш учун қулай, осон имкониятлардан фойдаланиш;
- 3) талаба ақлий фаолиятини фаоллаштирувчи воситалардан тўла фойдаланиш;
- 4) дарслик материалининг қўшимча материаллардан фойдаланилган ҳолда талаба онгига етказилиши;
- 5) талаба эҳтиёжи ва талабанинг имконияти ҳисобга олиниши;
- 6) мустақил иш бажаришни талабанинг интеллектуал қобилятини ҳисобга олган ҳолда уюштириш лозим.

Дарс мақсади ва воситаларининг таҳлили, дарс таҳлилига киришдан олдин ўқитувчининг маъруза матни, унда акс эттирилган дарснинг мақсади ва дарсда қўлланиладиган зарур воситалар билан мукаммал танишишдир. Масалан ўқитувчининг мавзуни мустаҳкамлашда ўз олдига қўйган мақсади ва у мақсадни амалга ошириш учун қандай воситалардан, усуллардан фойдаланмоқчи эканлиги аниқланади.

4. Дидактик таҳлил.

Дидактик таҳлил таълим турларининг самарадорлигини ва самарадорликни белгиловчи қонунларнинг дарсда қанчалик тўғри ва мукаммал бажарилганлигини таҳлил этиш демакдир.

Ўқитувчининг дидактик вазифани амалга ошириш жараёни – субъект ва обьект ўртасидаги ўзаро жараёндир. Дарс таҳлил этувчи мазкур ҳолатни мукаммал таҳлил этиш билан ўқитувчи фаолиятини баҳолайди.

5. Умумий педагогик таҳлил. Умумий педагогик таҳлил дарсдаги ҳамма жиҳатларни қисқа ва содда формада таҳлил этиш демакдир. Дарсни умумпедагогик жиҳатдан таҳлил этганда асосан қуидагилар ҳисобга олинади:

- 1) Талабаларнинг тартиб - қоидага муносабати;
- 2) Талабалар билан ўтказиладиган савол – жавоблар;
- 3) Дарснинг жиҳозланиши;
- 4) Дарсда санитария – гигиена қоидаларига амал қилиниши.
- 5) Дарс босқичларининг тўғри уюштирилиши, ҳар бир босқичда машғулотнинг тўғри уюштирилиши.
- 6) Ўқитувчининг педагогик, психологияк жиҳатдан намунали шахс даражасида бўлиши.
- 7) Тарқатма, кўрсатма ва техник воситаларнинг сифати, улардан ўринли фойдаланиш.
- 8) Ташқи муҳит ва ишлашга шароитнинг мақсаддага мувофиқлиги ва х.

Дарсларнинг таҳлиллари ўртасида қатъий чегара бўлмайди. Шунинг учун ҳам дарсларнинг илмий – назарий, психологик, методик, дидактик, умумий педагогик таҳлили даражада бир – бирига яқин таҳлил маълум этилади.

Куйида дарс таҳлил этишнинг намунавий таҳминий тузилмасини кўрсатиб ўтамиш.

| Сана | Фан | Ўқитувчи | Мавзуу | Синф | Давомат | Дорс бориши | Дарс ютуғи | Дарс камчилиги | Таклиф ва мулоҳазалар |
|------|-----|----------|--------|------|---------|-------------|------------|----------------|-----------------------|
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг мустақил ишлашлари учун тавсиялар

Мустақил ишлаш жараёнида барча ғоя ва маълумотларни ёдда сақлаб қолишга урунманг. Материални энг асосий бўлган маълумотлар мазмун ва моҳиятини билиб олишга ҳаракат қилинг.

Уй вазифалари устида ишлашда қуидагиларга амал қилинг.

1. Уйга берилган вазифа устида ишлашдан аввал бу ишни бажаришдан мақсад, унинг мазмуни, моҳияти нимада эканлигини шартли равишда ўзингиз учун шакллантириб олинг. Мустақил иш бажаришда уни шунчаки бажариш (мисол ечиш, муаммони ҳал этиш) дан кўра олдинга қўйилганмақсад сари интилиш мақсадга муофиқдир.
2. Олдинга қўйилган мақсад сари ҳаракат қилишда турли вазифаларни, машқларни бааришда ўзингизни синаб кўриш учун яна бир неча қўшимча амалларни бажаринг.
3. Шундан сўнг дарсликка эътиборни қаратиб, амалларни назарий материаллар талабига жавоб беришни текшириб кўринг. Алоҳида аҳамиятли қисмларига катта эътибор беринг.
4. Китобдаги назарий материални ўқиб, саволларга жавоб беринг, қўшимча адабиётлардан фойдаланинг.
5. Мавзга оид ёзма иш бажаринг ;
 - Кутубхонадан қўшимча адабиёт олинг;
 - Мавзунинг қораламасини тайёрланг;
 - Ёзма иш режасини тузинг;
 - Назарий материал билан ёзма ишни қиёсланг;

Ўз ишинг устидан назорат қилишни ўрган!

1. Ўз хатоинг устида ўзинг ишла
2. Ўқув материалини ўрганиб чиқ ва уни оғзаки сўзлаб кўр.
3. Ўз билимингни кўпроқ бошқаларга ўргат.

Ўз ишингни самарали ташкил этишни ўрган!

1. Яхшилаб дам олгандан сўнг мустақил ишлашни бошла. Мустақил ишлашда узоқ вақт банд бўлмаслик зарур.
2. Иш бошлашдан олдин ўзингга нималар қилиш ҳақида хисбот бер.
3. Иш жадвалини тузиб чиқ. Иш бошлаганингдан 15-20 дақиқа ўтгач юқори натижаларга эришиб бошлаганингни белгилаб бор. Айнан шу даврдан мураккаброқ ишларни амалга ошир.

4. Ишга зарур бўлган барча нарсаларни олдиндан тайёрлаб қўй.
5. Иш мобайнида аввалдан тузилган иш жадвалига амал қилаётганингни ва нималарни бажарганингни белгилаб бор.
6. Биринчи соатда дам олмай ишлаш мумкин, иккинчи соатдан бошлаб, 30-40 дақиқа ишдансўнг 5-10 дақиқадан дам олишга ҳаракат қил.
7. Иш бажаришда ҳалакит берадиган барча нарсани йиғиштириб қўй.
8. Агар бирор ишни бирданига бажара олмасанг, уни тўхтатиб бир оз вақтдан сўнг уни бажаришга кириш.

ХУЛОСА

Ушбу методик тавсиянома бўлажак касб таълими бакалавр ўқитувчилари учун ишлаб чиқилган бўлиб, унда жамият ривожи учун муҳим ҳисобланган мустақил фикрлайдиган, эркин ҳолда фаолият олиб боришга қодир, етук мутахассис тайёрлашга омил бўладиган жараёнлар ўз ифодасини топган.

Методик тавсияномага «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ» дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Методик тавсияномада талабалар мустақил таълимини ташкил қилишнинг илмий жиҳатлари, мустақил ишлашларининг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларнинг мустақил ишлашлари учун лозим бўладиган жараёнлар мазмунан татқиқ қилинган.

Талабалар мустақил таълим олишларининг асосий кўринишлари ва турлари батафсил баён қилинган бўлиб, уларнинг ҳам назарий ҳам амалий дарс жараёнларида бажаришлари мумкин бўлган мустақил иш бажариш усуллари кўрсатиб ўтилган. Талабаларни мустақил ишлашга жалб қилиш мақсадида методик тавсиялар берилган бўлиб бу ўз навбатида мустақил таълим билан шуғулланувчилар учун йўлланма ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» 1999.
2. Каримов И.А. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори» Т. Ўзбекистон. 1997.
3. Авазбоев О.И., Исянов Р.Г., Одилбоев Х. Мехнат таълими услубиётидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Тошкент, ТДПУ. 1995.
4. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
5. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан амалий машғулотлар: Педагогика институти талабалари учун қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1995.
6. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш. Мехнат ва касб таълими методикасидан амалий машғулотлар (Методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2002.
7. Болтабоев С.А., Магдиев О.Ш., Сатторов В.Н., Авазбоев О.И. Мехнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулотлари. Услубий қўлланма. 2002.
8. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент. – 2003 й. 174 бет.
9. Акбарова А.А. Формирование социальной активности будущего учителя через студенческое самоуправление: Автореф. дис. канд. наук. – Ташкент, 1991. – 16 б.
- 10.Барышникова З.А. Психолого – педагогическая практика: Учебно – методическое пособие – М.: 1998 г.
- 11.Bloom B.S. (Ed) et al. Taxonomy of Educational Objectives: Handbook I: The Cognitive Domain. Harvow, 1956.
- 12.Бондаревский В.Г. Воспитание интереса к знаниям и потребности к самообразованию. – М., 1985 г.
- 13.Вульфова Б.З., Иванова В.Д. Основи педагогики в лекциях, ситуациях, первоисточниках. – М. 2002 г.
- 14.Громцева А.К. Самообразование как социальная категория: - Л.: 1976 г.
- 15.Зaborшикова М.М. Самообразование молодого учителя как условие совершенствования его профессиональной деятельности: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Л., 1988. – 19 б.
- 16.Йўлдошев Ж., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
- 17.Колюга С.У. Ишлаб чиқариш асослари. Касб танлаш курси методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989.
- 18.Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. – Т.: Фан, 2004 й. -